# ЎЗБЕКИСТОН,
## 2021 ЙИЛ ИЮЛЬ ОЙИ
## БРМ ОБЛИГАЦИЯСИ
МАБЛАҒ АЖРАТИШ ВА ТАЪСИР ЮЗАСИДАН ҲИСОБОТ

Oʻzbekiston Respublikasi
Moliya vazirligi

SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS

UNDP

2022 ЙИЛ
НОЯБРЬ

Ушбу нашрда келтирилган фикр ва ҳулосалар муаллифнинг ўз нуқтаи назари бўлиб, БМТ, шунингдек БМТТД ва БМТ га аъзо давлатларнинг расмий нуқтаи назари ҳисобланмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури (БМТТД) қашшоқлик, тенгсизлик ва иқлим ўзгариши сабабли пайдо бўлган адолатсизликка қарши курашда БМТнинг етакчи ташкилотидир.

170 та мамлакатдаги кенг экспертлар ва ҳамкорлар тармоғи билан фаолият олиб бориб, биз одамлар ва сайёра учун мувофиқлаштирилган, узоқ муддатли ечимларни яратишга ёрдам берамиз.

Биз ҳақимизда кўпроқ маълумотни uz.undp.org сайтидан олинг ёки @UNDPUzbekistan ни ижтимоий тармоқларда кузатиб боринг.

© БМТТД, 2022 (www.uz.undp.org)

# МУНДАРИЖА


■ ҚИСҚАРТМАЛАР . . . . . 4
■ РАСМ ВА ЖАДВАЛЛАР . . . . . 5
■ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ БАЁНИ . . . . . 7
БМТТД ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИНИНГ БАЁНИ . . . . . 8
"BANKERS WITHOUT BOUNDRIES" (BWB)ТАШКИЛОТИНИНГ БАЁНИ . . . . . 9
■ КИРИШ . . . . . 10
■ БРМ ОБЛИГАЦИЯСИ: ТРАНЗАКЦИЯ ҲАҚИДА АСОСИЙ МАЪЛУМОТ . . . . . 15
Транзакциянинг умумлаштирилган тавсифи . . . . . 15
■ 2021 ЙИЛ ИЮЛЬ ОЙИ ЭМИССИЯСИ УЧУН ТАНЛОВ ЖАРАЁНИ . . . . . 17
Лойиҳа таклифи жараёни . . . . . 17
Мос келувчи барқарор тоифалар . . . . . 17
Муносиб харажатлар . . . . . 17
Четлатилган (киритилмаган) тадбирлар . . . . . 18
Баҳолаш ва танлаб олиш . . . . . 18
■ ТАҚСИМЛАШ ЮЗАСИДАН ҲИСОБОТ . . . . . 20
■ БОШЛАНҒИЧ ТАЪСИР ЮЗАСИДАН ҲИСОБОТ . . . . . 25
ТАЪЛИМ . . . . . 25
Kindergartens . . . . . 25
Таъсир таҳлили . . . . . 26
Амалдаги тажрибани ўрганиш . . . . . 28
МАКТАБЛАР . . . . . 30
Таъсир таҳлили . . . . . 30
Амалдаги тажрибани ўрганиш . . . . . 32
Соғлиқни сақлаш . . . . . 33
Шифохоналар (стационар даволаш тиббиёт муассасалари) . . . . . 34
Таъсир таҳлили . . . . . 34
Амалдаги тажрибани ўрганиш . . . . . 37
Болаларни эмлаш . . . . . 38
Таъсир таҳлили . . . . . 39
Сув . . . . . 47
Ирригация . . . . . 47
Таъсир таҳлили . . . . . 48
Амалдаги тажрибани ўрганиш . . . . . 50
Тоза ичимлик суви . . . . . 52
Таъсир таҳлили . . . . . 52
Амалдаги тажрибани ўрганиш . . . . . 55
Транспорт . . . . . 56
Таъсир таҳлили . . . . . 56
Амалдаги тажрибани ўрганиш . . . . . 59
■ ҲАВОЛАЛАР . . . . . 61

# ҚИСҚАРТМАЛАР

**БЦЖ** Силга қарши вакцина
**МДҲ** Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги
**ДТК** Депозитар-траст компанияси
**ЯИМ** Ялпи ички маҳсулот
**ХКБУ** Халқаро капитал бозори уюшмаси
**ХМИ** Халқаро молия институти
**АК** Акционерлик компания
**КМ** Километр
**Ц/ГА** Гектардан центнер (1 центнер = 100 кг)
**М/Й** Маълумот йўқ
**ҚА** Қаттиқ аралашмалар
**ПК** Пикет (1 ПК = 100 метр)
**БРМ** Барқарор ривожланиш мақсадлари
**БМТ** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
**БМТ МГ** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Мамлакат Гуруҳи
**БМТТД** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури
**АҚШ ДОЛЛАРИ** Америка Қўшма Штатлари доллари
**СЎМ** Ўзбекистон сўми

# РАСМ ВА ЖАДВАЛЛАР

1-расм: Облигациялар маблағларини тақсимлаш учун устувор қилиб белгиланган БМТ БРМ . . . . . . .13
2-расм: Инвестор туридан келиб чиқиб ажратмалар тақсимоти . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .16
3-расм: Облигация харидорларининг географик тақсимоти . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .16
4-расм: Лойиҳани баҳолаш ва танлаб олиш . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .19
5-расм: БРМ облигацияси ажратилишининг мавзулар бўйича тақсимоти . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .20
6-расм: БРМ облигацияси мавзулар бўйича ажратилишининг фоиз кўринишидаги тақсимоти . . . . . .23
7-расм: БРМ облигация маблағлари ажратилишининг географик тақсимоти . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .23
8-расм: Болалар боғчалари учун фойдаланиладиган ер турлари, фоиз кўринишида . . . . . . . . . . . . . .26
9-расм: Турлари ва ҳудудлари кесимида болалар боғчаси лойиҳалари сони . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .26
10-расм: Ҳудудлар кесимида болалар боғчаларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари 26
11-расм: Ҳудудлар кесимида болалар боғчаларига қабул қилинган болалар ва иш билан таъминланган ходимлар . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .27
12-расм: Ҳудудлар кесимида мактабларни молиялаштиришнинг фоиз кўриниши . . . . . . . . . . . . . . . . . .30
13-расм: Турлари ва ҳудудлари кесимида мактаб лойиҳалари сони . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .31
14-расм: Мактабларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларининг минтақалар кесимидаги ҳаражатлари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .31
15-расм: Мактабларга ўқишга қабул қилинган ва иш билан таъминланган ходимларнинг минтақалар кесимидаги сони . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .32
16-расм: Стационар ва амбулатор ўринларнинг минтақалар кесимидаги сони . . . . . . . . . . . . . . . . . . .36
17-расм: Минтақалар кесимида реконструкция қилинган каналлар узунлиги (км) . . . . . . . . . . . . . . . . .49
18-расм: Минтақалар кесимидаги ирригацияси яхшиланган ер майдонлари (гектарда) . . . . . . . . . . . .50
19-расм: Ичимлик суви ва канализация тизимларининг узунлиги, минтақалар кесимида, км . . . . . . .53
20-расм: Турлари кесимида тоза сувни молиялаштиришнинг фоиз кўриниши . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .53
21-расм: Лойиҳа турлари ва минтақалар кесимида қамраб олинган аҳоли сони . . . . . . . . . . . . . . . . . .54
22-расм: Минтақалар кесимида тоза сув ва канализация лойиҳаларидан фойдаланаётган аҳоли сони . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .54
23-расм: Маблағларнинг транспорт лойиҳалари ўртасида фоиз кўринишидаги тақсимланиши . . . . .58

1-жадвал: Асосий эмиссия муддатлари жадвали . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .15
2-жадвал: БРМ облигацияларининг БРМ кесимида тақсимоти . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .20
3-жадвал: БРМ облигацияларини барқарор харажатлар тоифалари кесимида тақсимоти . . . . . . . . . .22
4-жадвал: Минтақалар кесимидаги тақсимот . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .24
5-жадвал: Биринчи ўнликдан ер олган болалар боғчалари лойиҳалари доирасида яратилган қўшимча салоҳият . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .25
6-жадвал: Болалар боғчаларида мавжуд салоҳият ва ишга олинган қўшимча ходимларга бўлган таъсир . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .27
7-жадвал: Болалар боғчаларига доир амалий тадқиқотларида мақсад қилиб белгиланган БРМ кўрсаткичлари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .29
8-жадвал: Биринчи ўнликдан ер олган мактаб лойиҳалари доирасида яратилган салоҳият . . . . . . . . .30
9-жадвал: Мактабларда мавжуд салоҳият ва ишга олинган қўшимча ходимларга бўлган таъсир . . . .31
10-жадвал: Мактабларга доир амалий тадқиқотларида мақсад қилиб белгиланган БРМ кўрсаткичлари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .33
11-жадвал: Биринчи ўнликдан ер олган шифохоналар бўйича лойиҳаларнинг таъсири . . . . . . . . . . . .34

12-жадвал: Шифохона лойиҳалари ва қўшимча ўринлар тури . . . 35
14-жадвал: Минтақалар кесимида қўшимча ўринлар салоҳияти . . . 35
15-жадвал: Шифохоналарнинг турлари кесимидаги сони . . . 36
16-жадвал: Соғлиқни сақлаш соҳасидаги амалий тадқиқотларда мақсад қилиб белгиланган БРМ кўрсаткичлари . . . 37
17-жадвал: Вакцина ва асбоб-ускуналар турлари кесимидаги миқдори ва харажатлар . . . 39
18-жадвал: Болаларни эмлаш ишларининг минтақалар кесимидаги қамрови . . . 40
19-жадвал: Ўзбекистон Республикасида 2021 йил учун профилактик эмлаш ишларининг қамрови 41
20-жадвал: Биринчи ўнликдан ер олган ирригацион лойиҳалар таъсири остидаги ер майдонларнинг гектар ҳисобидаги ҳажми . . . 48
21-жадвал: Ирригация соҳасини молиялаштириш ва бунинг таъсирининг минтақалар кесимидаги тақсимоти . . . 49
22-жадвал: Ирригация соҳасидаги амалий тадқиқотларда мақсад қилиб белгиланган БРМ кўрсаткичлари . . . 51
23-жадвал: Биринчи ўнликдан ер олган тоза сув бўйича лойиҳаларнинг таъсири . . . 52
24-жадвал: Тоза сув бўйича амалий тадқиқотларда мақсад қилиб белгиланган БРМ кўрсаткичлари . . . 55
25-жадвал: Транспорт соҳасидаги лойиҳаларнинг таъсири . . . 57
16-жадвал: Транспорт соҳасидаги амалий тадқиқотларда мақсад қилиб белгиланган БРМ кўрсаткичлари . . . 60

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ БАЁНИ

Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида миллий давлатчилик ва суверенитет, хавфсизлик, ҳуқуқ-тартибот, давлат чегаралари дахлсизлиги, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш учун мустаҳкам пойдевор яратилди. Бу ислоҳотлар аҳоли ҳаёти ва фуқароларнинг яратувчанлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратди.

Ислоҳотларнинг мақсади иқтисодий ночорлик даражасини қисқартириш, турмуш стандартлари даражасини ошириш, соғлом турмуш тарзини таъминлаш, сифатли таълимни ривожлантириш, гендер тенглигини таъминлаш, тоза сувдан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, муносиб меҳнат ва иқтисодий ўсишга кўмаклашиш орқали ижтимоий бўшлиқларни бартараф этиш ва барқарор иқтисодиётни яратиш ҳамда инфратузилма барқарорлигини оширишдан иборат.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Ҳукумати ўз иқтисодий ресурсларидан барқарорлик мезонларига мувофиқ фойдаланишнинг аниқ йўлини белгилади. Мазкур ислоҳотлар доирасида Ҳукумат ўзининг барқарор ривожланиш моделини ишлаб чиқиб, шу орқали БМТнинг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш кун тартибига киритилган мақсадларга мос келувчи 16 та миллий БРМини қабул қилди.

Юқорида акс эттирилганларнинг барчаси Ўзбекистон Ҳукуматининг БРМларига эришишга интилишини намоён этади, бу эса ўз навбатида катта саъй-ҳаракатлар ва фидойиликни, шунингдек, иқтисодиёт, жамият ва инфратузилманинг турли тармоқларига улкан миқдорда инвестиция киритишни талаб қилади. Дарҳақиқат, БМТТД томонидан ўтказилаётган Ўзбекистон Республикаси учун Тараққиётни молиялаштиришни баҳолаш (ТМБ) маълумотларига кўра, мамлакат миллий БРМларига эришиш учун йилига 4,6-6 миллиард АҚШ доллари (мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 8-10 фоизи) миқдоридаги инвестициялар зарур.

БРМларини етарли даражада молиялаштиришни таъминлаш учун Ўзбекистон Ҳукумати суверен аниқ мақсадга йўналтирилган облигациялар чиқариш орқали қўшимча молиявий ресурсларни сафарбар қилди. Бу экологик тозаликни, ижтимоий масалаларни ҳал қилишга қаратилганликни, корпоратив бошқарув доирасида ишлаб чиқилганликни таъминлаш (ESG) тамойилларига мувофиқ халқаро инвесторларни жалб қилиш ва шаффофлик мақсадларига эришиш имкониятидир.

2020 йилнинг ноябр ойида Ўзбекистон Республикаси барқарор ривожланишни молиялаштириш мақсадида 2 триллион сўмлик миллий валютадаги биринчи суверен облигацияларини муомалага чиқаргани бунга мисол бўла олади. Ушбу эмиссиядан тушган маблағлар мактаблар, тиббиёт муассасалари, ичимлик суви ва канализация қувурлари, ва йўл инфратузилмасини қуриш каби қатор лойиҳаларни амалга ошириш имконини берди. Бундан ташқари, транзакция маблағларидан хотин-қизлар, болалар

ва иш билан таъминланмаган аҳолини қўллаб-қувватлаш учун фаровонликни ошириш дастурларини молиялаштирилди.

Халқаро бозорларда сўмда деноминация қилинган илк аниқ мақсадли облигацияни муваффақиятли жойлаштиргандан сўнг, 2021 йил июл ойида Ўзбекистон Республикаси миллий валютада 3 йил муддатга йиллик 14,0 фоизли 2,5 триллион сўм миқдоридаги БРМ белгиси остида ўзининг биринчи суверен облигацияларини муомалага чиқарди. Ушбу транзакция МДҲ ва Марказий ва Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатлари ўртасида биринчи бўлиб, дунё миқёсида эса иккинчи бўлиб БРМ облигацияларининг чиқарилиши ҳисобланади. Транзакциядан тушган маблағлар таълим, соғлиқни сақлаш, сув ва транспорт каби устувор соҳалардаги муҳим лойиҳаларни амалга оширишга муваффақиятли йўналтирилди.

Бундай суверен молия инструментларининг чиқарилиши республиканинг бюджетга барқарор ривожланиш мезонларини жорий этиш, бюджет маблағларини барқарор ривожланиш соҳасига оид лойиҳаларни амалга оширишга йўналтириш ва йиллар давомида ушбу дастурларнинг изчиллигини таъминлаш ниятини акс эттиради.

Бундан ташқари, ушбу молиявий инструментлар БРМга эришиш учун шаффофлик, режалаштириш ва мониторинг механизмларини таъминлайдиган мустаҳкам бошқарув тузилмасини ўз ичига олган БРМ Облигациялари Тузилмаси ("SDG Bond Framework") томонидан қўллаб-қувватланади. Айни вақтда, тузилманинг ўзи энг илғор халқаро стандартлар (ХКБУ тамойиллари) га мувофиқ ишлаб чиқилган ва учинчи томонлар ("Sustainalytics" компанияси ва БМТ) томонидан маъқулланган.

Мамлакатнинг илк БРМ облигацияларини чиқариши турли хил инвесторларга кириб келишни таъминлайдиган янги маҳсулотларни ишлаб чиқишга кўмак берувчи муҳим бир одимдир. Пировардида, ушбу янги молиявий ресурсларни сафарбар қилишга кўмак беради, бу эса мамлакатда салбий омиллар таъсирига қарши бардошлилик, барқарорлик ва равнақликка эришиш йўлидаги қолган бўшлиқларни бартараф этади.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ривожланишни мустаҳкамлаш ва Миллий БРМларга янада самарали эришишни таъминлашга шижоат билан интилаётганлиги туфайли, барқарор ривожланиш билан боғлиқ облигациялар чиқариш келажакда стандарт амалиётга айланади.

## БМТТД ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИНИНГ БАЁНИ

Молия БМТТДнинг 2022-2025 йилларга мўлжалланган стратегик режасининг негизидир. Глобал миқёсда БМТТД ўз олдига давлатлар, БМТ ташкилотлари, халқаро молия институтлари ва хусусий фирмалардан БРМ йўлида 1 триллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йиғиш каби улкан, аммо эришилиши мумкин бўлган мақсадни қўйди. Мазкур истиқболли ва пухта стратегик режа доирасида БМТТД ривожланишни молиялаштириш бўйича тобора такомиллашиб бораётган ва инновацион илмий-амалий тажрибани таклиф қилмоқда.

Бизнинг мақсадимиз маҳаллий ва глобал миқёслардаги молиялаштириш манбаларини танлашни шундай такомиллаштиришдан иборатки, бунда улар нафақат бир неча киши ёки сараланган жойлар учун, балки одамлар ва бутун дунё учун фойда келтирсин. Биз буни давлат ва хусусий ривожланиш молия тизимларида ўзгаришларга ундайдиган таъсир нуқталарини топиш орқали амалга оширамиз. Ушбу таъсир нуқталари "фойда кўришга интилиш" дан "мақсадли фойда" га ўтишни осонлаштирадиган нуқталарни ўз ичига олади.

БМТТД ва Ўзбекистон Ҳукумати режалаштириш ва молиялаштириш жараёнларини мувофиқлаштиришга, мавжуд молиявий оқимларнинг самарадорлиги ва таъсирини оширишга, шунингдек, қўшимча ресурсларни барқарор ривожланишга сафарбар қилиш ва йўналтиришга ёрдам берадиган кучли Молиялаштиришнинг комплекс миллий асослари (МКМА - "INFFs") ни яратиш бўйича узоқ йиллар мобайнида шериклик қилиб келмоқдалар.

Бундай ҳамкорликнинг яққол самараси сифатида, 2021 йил июл ойида Ўзбекистон БРМ суверен облигацияларини чиқарган дунёдаги иккинчи давлат бўлди. Бу мамлакатнинг БРМга эришишга бўлган қатъийлигидаги олдинга муҳим қадам ва бутун дунёда ривожланишни молиялаштириш борасидаги салмоқли ютуқ бўлди.

Ўзбекистон БРМ облигацияси БРМ Облигациялари Тузилмасида белгиланган етти йўналиш бўйича БРМга йўналтирилган давлат дастурларини молиялаштириш учун глобал миқёсдаги инвесторлардан ресурсларни ўтказишни енгиллаштиради. Бу соҳаларга Таълим (4-БРМ), Сув Ресурсларини Бошқариш (6-БРМ), Соғлиқни Сақлаш (3-БРМ), "яшил" (экологияга салбий таъсири кам бўлган) транспорт (11-БРМ), Ифлосланишга Қарши Кураш (11-БРМ), Табиий Ресурсларни Бошқариш (15-БРМ) ва "яшил" энергетика (7-БРМ) киради.

Биз Ҳукуматнинг маблағларини тақсимлашда шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлашда, шунингдек, лойиҳаларни амалга ошириш устидан мунтазам мониторинг олиб борилишида қатъийлигини юқори баҳолаймиз. БМТТД Молия вазирлигига Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган кун тартиби мақсадларига ўз вақтида ва изчиллик билан эришишини таъминлаш билан бирга, маблағларни БРМга мувофиқ тақсимлаш, таъсирни баҳолаш ва ҳисобот бериш билан боғлиқ миллий механизмларни янада ривожлантириш борасида техник ёрдам кўрсатмоқда.

Мазкур инструмент Ўзбекистоннинг ривожланиш борасидаги кун тартибини амалга оширишдаги тараққиётини янада тезлаштиришига бизнинг ишончимиз комилдир. Бу БРМга эришишга йўнатилирилган давлат дастурларининг узлуксизлигини таъминлайди. Биз Ҳукуматнинг БРМ облигацияларини мунтазам ва изчил чиқариш орқали пайдо бўладиган хавф ва хатарларга бардошли соғлом ва билимли жамиятни барпо этишига ишонамиз.

Мазкур ҳужжатда ана шундай кўп томонлама ҳамкорликнинг 2022 йил натижалари келтирилган.

## "BANKERS WITHOUT BOUNDRIES" (BWB)ТАШКИЛОТИНИНГ БАЁНИ

"Чегарасиз банкирлар" ташкилоти Ўзбекистон учун мазкур таҳсинга сазовор облигация чиқариш борасида маслаҳат берганлигидан фахрланади. "Чегарасиз банкирлар" ташкилоти Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш борасидаги вазифаларини тан олади ва мазкур инновацион облигациялар чиқаришни қўллаб-қувватлаганлигидан мамнундир. Дунёда БРМ облигацияларини чиқарган атиги иккинчи давлат сифатида Ўзбекистон инновацион молия бўйича Марказий Осиё минтақасида етакчилик қилган бўлиб, барча учун адолатли ўтиш тарафдори бўлган давлат сифатида ўз интилишларини илгари суришда давом этади.

Биз келгусида Молия вазирлиги ва БМТТД билан ҳамкорликни давом эттиришга умид ва ишонч билдирамиз.

# КИРИШ

## Ўзбекистоннинг тараққий қилиш йўлидаги вазифалари ва БРМ облигацияларини чиқаришга доир иштиёқи

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва Ўзбекистон иқтисодиётининг тузилмавий трансформацияси жараёни ҳали дастлабки босқичдадир.[1] 2022 йилда Ўзбекистон улкан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг олтинчи йилига қадам қўйган бўлиб, ушбу жараённинг диққат марказида халқ фаровонлиги ва равнақи турибди. Ислоҳотларнинг биринчи босқичи (2017-2021 йиллар) да валюта курсларини эркинлаштириш, бизнес ва инвестиция муҳитини яхшилаш, ишлаб чиқариш омиллари(ер ва капитал) дан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш каби чоралар орқали бозор иқтисодиёти томон сезиларли даражадаги трансформация бўлиш каби натижаларга эришилди. Ислоҳотларнинг иккинчи босқичи аҳолининг таъсирларга тобеълиги юқори бўлган қатламларини юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш, кенг қамровли ва барқарор ўсишни таъминлаш учун кучли ижтимоий сиёсат билан бир қаторда чуқур таркибий трансформацияни талаб қилади. Давлатнинг келажакдаги равнақи унинг аҳолиси барқарор муҳитда яшаши билан боғлиқ бўлиб, шу сабабли инсон капиталига инвестиция киритиш ва «яшил» (экологияга салбий таъсирларни камайтириш тамойилини қўллаб) иқтисодиётга ўтиш Ҳукуматнинг БРМ облигацияларини чиқаришга ундаган устувор йўналишларидан биридир.

Бутун аҳолига тиббий хизматлар кўрсатилишини такомиллаштириш (3-БРМ: Соғлиқ ва фаровонлик) Ўзбекистон учун адолатли ўтишга эришиш борасида нихоятда муҳимдир. Сўнгги йиллар мобайнида соғлик ва фаровонлик билан боғлиқ кўрсаткичлар бўйича, айниқса, ўртача умр кўриш давомийлигини ошириш, чақалоқлар ва оналарнинг ўлими даражасини пасайтириш (3.2-БРМ) бўйича сезиларли ютуқларга эришилди. Масалан, 2010 йилдан бошлаб чақалоқлар ўлими йилига 11,0 дан 9,2 га, оналар ўлими эса ҳар 100 минг тирик туғилган чақалоққа 21,0 дан 14,4 га қисқарди.[2] Бироқ, БМТТД/ЖССТнинг 2017 йилги ҳисоботига кўра, Ўзбекистонда 2015 йилда мамлакатдаги барча ўлим ҳолатларининг 79 фоизини ташкил этган юқумли бўлмаган касалликларнинг (3.4-БРМ) кескин ўсиши кузатилган бўлиб[3], бу соғлиқни сақлаш ва ривожланиш учун жиддий муаммони ташкил қилишни давом этмоқда. Бу муаммолар мамлакат тараққиётига салбий таъсир кўрсатади, чунки юқори иқтисодий харажатлар ва номутаносиб ресурслар бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида бундай ҳолатларнинг олдини олиш ўрнига турмуш тарзи билан боғлиқ касалликларга қарши курашишга қаратилган. Ўзбекистонда тиббий хизмат кўрсатиш моделида ихтисослаштирилган шифохоналар бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш марказларидан кўра, жиҳозлаш масаласи малакани таъминлашдан кўра, даволаш эса профилактикадан кўра устун туради.

[1] Эшов М., Амиров Л. ва Асқарова М., 2021 й. "Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва унинг аҳамияти" (Development of the agricultural sector and its importance in Uzbekistan). "E3S Web of Conferences" ( 244 Б., 03014 с.). "EDP Sciences".

[2] "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, демография, янги туғилган чақалоқлар ўлими коэффициенти - Жами", Тўлиқ маълумот учун ҳаволага ўтинг: https://stat.uz/en/official-statistics/demography

[3] Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЖССТ, БМТТД (2017), "Ўзбекистонда юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилиш, инвестициялар учун мисол ҳолат" (Prevention and control of noncommunicable diseases in Uzbekistan, The case for investment), Тўлиқ маъулмот учун ҳаволага ўтинг: https://www.euro.who.int/__data/assets/pdf_file/0009/395667/BizzCase-UZB-Eng.pdf

Мазкур облигацияни чиқаришдан мақсад молиялаштиришни бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари салоҳиятини оширишга йўналтириш орқали мавжуд самарасизликларни бартараф этишдан иборат. Бу тиббий ёрдам кўрсатиш хизматлари ва ходимларнинг географик нуқтаи назардан номутаносиб тақсимланишига доир тенгсизликларни бартараф этади. Шу боис, қишлоқ ҳудудлари тиббий ёрдам кўрсатиш хизматларини модернизация қилишга устувор аҳамият берилиши лозим бўлган асосий географик ҳудудлар сифатида белгиланди.

Сифатли таълимга қаратилган 4-БРМга мувофиқлигини таъминлаган ҳолда таълим самарасини яхшилаш масаласи яна бир миллий устувор вазифалар қаторига киради. Гарчи мамлакатда эркаклар ва хотин-қизларнинг умумжаҳон саводхонлиги (4.2-БРМ) га эришилган бўлсада, таълим сифати ташвишга солувчи омил бўлиб қолмоқда, чунки тизим ёшларни билим иқтисодиётига тайёрламайди (4.1, 4.3, 4.4 ва 4.7 БРМ). Мактабгача таълим қамрови даражаси ислоҳотлар бошланганидан бери ижобий томонга ўзгарган бўлсада, қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ўртасидаги ҳамда ижтимоий-иқтисодий табақалар борасидаги тафовутнинг кейинги йиллардаги таълим натижаларига салбий таъсири туфайли паст даражада қолмоқда. Шунингдек, Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2020 йилда 23,5 мингга яқин бола мактаб таълими билан қамраб олинмаган (4.5-БРМ) бўлиб, бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан ўсиш кўрсатмоқда.[4] Бундан ташқари, хотин-қизларга қараганда эркаклар кўпроқ олий таълим олади, бу эса хотин-қизларнинг иш билан таъминланиш имкониятларига салбий таъсир кўрсатмоқда ва мамлакатда гендер тенгсизлигининг давом этишига сабаб бўлмоқда. Замонавий техник ва касбий таълим ва ўқитиш (ТКТЎ) ҳали бошланғич босқичда бўлиб, малака ошириш масаласи меҳнат бозори ва саноат эҳтиёжлари билан мувофиқлаштирилмаган.

Жаҳон Ресурслари Институти томонидан чоп қилинган дунёнинг энг кўп сув танқислиги муаммосига дучор бўлган давлатлари рейтингида Ўзбекистон 164 та давлат орасида 25-ўринни эгаллади. Мамлакат аҳолисининг атиги 26 фоизи тозаланган сувдан фойдаланиш имконига эга, 55 фоизи эса умуман сувдан фойдаланиш имконига эга эмас ёки сувни фақат тозаланмаган манбадан олиши мумкин. Кўпгина қишлоқ ҳудудларда аҳолининг суғориш каналлари ёки юк машиналаридаги тозалигига кафолат бўлмаган сувни истеъмол қилишдан бошқа иложи йўқ.[5] Ушбу манбаларнинг ҳеч бири кафолатланган сув ҳажмини таъминламайди. Мамлакатнинг (Марказий Осиёдаги барча давлатлар ўртасида энг юқори иқтисодий улушга эга бўлган[6]) қишлоқ хўжалиги секторида мамлакатдаги сув ресурсларининг қарийб 90 фоизи ишлатилади. Бунинг учдан бир қисми тежамкорликсиз суғориш усуллари ва эскирган инфратузилма туфайли йўқотилади.[7] 2017 йил ҳолатига кўра, сувдан фойдаланишнинг самарасизлиги туфайли юзага келган харажатлар мамлакат ЯИМнинг тахминан 0,5 фоизини ташкил

[4] Жаҳон банки, Маълумотлар, "Мактабга бормайдиган болалар, бошланғич таълим, Ўзбекистон Республикаси" (Children out of school, primary, Republic of Uzbekistan), Тўлиқ маълумот учун ҳаволага ўтинг: https://data.worldbank.org/indicator/SE.PRM.UNER?locations=UZ

[5] "Сув масалаларида ҳамжихатлик бўйича халқаро котибият, Европа сув, Ўзбекистон сув ва канализация тизимлари дастури" (International secretariat for water solidarity, water Europe, Water and sanitation programme in Uzbekistan), Тўлиқ маълумот учун ҳаволага ўтинг: https://www.sie-see.org/en/project/water-sanitation-programme-uzbekistan/

[6] "Eurasian Research". 2020 й. "Марказий Осиё мамлакатларининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги салоҳияти" (Agricultural Potential of Central Asian Countries). [online] Батафсил маълумот учун ушбу ҳаволага ўтинг: <https://www.eurasian-research.org/publication/agricultural-potential-of-central-asian-countries/> [Accessed 22 June 2022].

[7] БМТ ЕИК (UNECE). 2020 й. «БМТ ЕИК (UNECE) Ўзбекистонни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш самарадорлигини баҳолаш тавсияларини COVID-19 дан кейин "яшил" тикланиш сиёсатини ишлаб чиқишда қўллашга таклиф қилади" | БМТ ЕИК" (UNECE calls upon Uzbekistan to use the recommendations of its Environmental Performance Review for designing its green recovery policies in the aftermath of COVID-19 | UNECE). [online] Батафсил маълумот учун ушбу ҳаволага ўтинг: <https://unece.org/press/unece-calls-upon-uzbekistan-use-recommendations-its-environmental-performance-review> [Accessed 22 May 2022].

қилди.[8] БРМ облигацияларини чиқаришдан тушган маблағлар ичимлик суви таъминоти ва истеъмоли (6-БРМ: Тоза сув ва санитария) билан боғлиқ муаммоларни ичимлик суви объектлари ва канализация тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, ирригация иншоотларини қайта қуриш орқали ҳал қилишга йўналтирилади.

Ҳозирда 50 фоизни[9] ташкил қилаётган урбанизация Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг асосий омилига айланиш салоҳиятига эга (11-БРМ: Барқарор шаҳарлар ва аҳоли пунктлари), бироқ шаҳар марказлари Совет давридан қолган эскирган инфратузилма (9-БРМ: Саноат, инновация ва инфратузилма) туфайли чекланиб қолган бўлиб, иқлим ўзгариши ва ҳавонинг ифлосланиши таъсирларига тобеъдир. Шаҳарларнинг тез ўсиши шаҳарларда иқлим ўзгаришига дучор бўлган аҳоли сонининг кўпайишига сабаб бўлди (13-БРМ: Иқлим ўзгаришига қарши кураш). Шаҳарлар ва қишлоқ ҳудудларда иқлимга мослашишни режалаштириш ишлари ҳали жорий этилмаган. Ҳаво ифлосланиши нуқтаи назаридан транспорт сектори 2016 йилда азот оксиди эмиссиясининг 63 фоизини ташкил этиб, азот оксидини ҳавога энг кўп чиқараётган сектор бўлди. 2016 йилда ҳавога чиқарилган уч баробарли суперфосфат эмиссиясининг 9,6 фоизи сектор ҳисобига тўғри келди. Ёқилғи ёниши натижасида атмосферага чиқаётган иссиқхона газларининг 12,4 фоизи[10] транспорт сектори ҳисобига тўғри келди. БРМ облигацияларини чиқаришдан тушган маблағлар барқарор шаҳарсозликни режалаштириш, ҳаво ифлосланишини бартараф этиш ва аҳоли саломатлигини яхшилашга ёрдам берадиган «яшил» транспорт соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш орқали муваффақиятларга эришишни давом эттиришга қаратилган.

### БРМ Облигациялари Тузилмасининг асосий хусусиятлари

БРМ Облигациялари Тузилмасида таъкидланганидек, Ўзбекистон томонидан мазкур БРМ облигация эмиссияси ХКБУнинг Барқарорлик облигациялари бўйича йўриқномасига мувофиқ келиши таъминланган.[11] Облигацияларни чиқаришдаги мазкур «Маблағлардан фойдаланиш» жараёни БРМ билан мувофиқлаштириш, сектор мувофиқлиги ва лойиҳаларни танлаш учун эмиссия қилишдан олдин қатъий бажариладиган жараённи таъминлайди. Бунга қўшимча тарзда, йўриқномада эмиссиядан кейинги таъсир ва маблағлар тақсимланиши тўғрисида йиллик ҳисобот беришни талаб қилинади. Ҳукумат миллий миқёсдаги ривожланишнинг устувор соҳа ва йўналишлари ва ривожланиш йўлидаги ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб масалалардан келиб чиқиб БРМ облигациялари ҳисобидан молиялаштириладиган етти йўналишни белгилаб олди. Бу йўналишлар Ўзбекистоннинг БРМ Облигациялари Тузилмаси доирасида, шунингдек, улар эришилишига ҳисса қўшадиган БРМда келтирилган. Умумий ҳисобда, облигациялар

---

[8] Жаҳон банки (2019 йил, июн), "Энди одатдагидек бўлмайди: Марказий Осиёда сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш" (No More Business as Usual: Improving Water Usage in Central Asia), Тўлиқ маълумот учун ҳаволага ўтинг: https://www.worldbank.org/en/news/feature/2019/06/28/no-more-business-as-usual-improving-water-usage-in-central-asia

[9] Жаҳон банки, Маълумотлар, "Шаҳар аҳолисининг фоиз нисбати, Ўзбекистон Республикаси" (Urban population percentage, Republic of Uzbekistan), Тўлиқ маълумот учун ҳаволага ўтинг: https://data.worldbank.org/indicator/SP.URB.TOTL.IN.ZS?locations=UZ

[10] "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа Иқтисодий Комиссияси (2020), Атроф-муҳит самарадорлиги таҳлиллари, Ўзбекистон, Учинчи таҳлил" (United Nations Economic Commission For Europe (2020), Environmental Performance Reviews, Uzbekistan, Third Synopsis), Тўлиқ маълумот учун ҳаволага ўтинг: https://unece.org/DAM/env/epr/epr_studies/Synopsis/ECE.CEP.188_Uzbekistan_Eng_Synopsiss.pdf

[11] 2021 й. "Барқарор ривожланишга йўналтирилган облигациялар бўйича қўлланма" (Sustainability Bond Guidelines). [PDF] "ICMA Group". Батафсил маълумот учун ушбу ҳаволага ўтинг: <https://www.icmagroup.org/assets/documents/Sustainable-finance/2021-updates/Sustainability-Bond-Guidelines-June-2021-140621.pdf> [Accessed 17 May 2022].

бевосита ва билвосита 11 БРМга эришишга ҳисса қўшади. Қуйида улар ҳисса қўшадиган мавзувий йўналишлар ва миллий мақсадлар рўйхати келтирилган:

- Зарурий тиббий хизматлардан фойдаланиш имконини таъминлаш (**3, 11** ва **8 БРМ**)
- Таълим олиш имконияти (**4, 3, 5** ва **8 БРМ**)
- Барқарор сув таъминоти, оқава сувларни тартибга солиш ва тошқиндан ҳимоя қилиш тизимлари (**6, 2** ва **3 БРМ**)
- Тоза ва самарали энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш (**7, 8** ва **11 БРМ**)
- Зарурий ва тоза транспорт хизматларини тақдим қилиш (**9** ва **11 БРМ**)
- Ифлосланишнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш (**11, 3** ва **15 БРМ**)
- Жонивор табиий ресурслар ва ердан фойдаланишни барқарор бошқариш (**11, 13** ва **15 БРМ**)

**1-расм: Облигациялар маблағларини тақсимлаш учун устувор қилиб белгиланган БМТ БРМ**




**Лойиҳани баҳолаш ва танлаб олиш.** Баҳолаш ва танлаб олиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат қарзи департаменти томонидан назорат қилинади. Якуний ҳисобда, лойиҳаларни якуний тасдиқлаш Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган кун тартиби доирасида тузилган ва республика Бош вазирининг ўринбосари бошчилигидаги БРМ Мувофиқлаштириш кенгаши томонидан амалга оширилади.

**Маблағлардан фойдаланишни тартибга солиш.** Тузилмада белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги БРМ облигациялари реестри орқали маблағларни бошқариш учун масъул бўлади. Ўзбекистон ҳар бир облигация чиқарилгандан кейин **24 ой** ичида улардан тушган маблағларни тўлиқ тақсимлашни режа қилмоқда. Маблағлар тўлиқ тақсимланмагунча, тушумлар Ғазначилик депозитида туради.

**Ҳисобот.** Тузилмада белгиланганидек, облигациялар муомалада қолиши билан бир қаторда, Ҳукумат ҳар йили Молия вазирлиги веб-сайтида жойлаштирилган тақсимот ҳисоботи орқали маблағларнинг тақсимланиши тўғрисида ҳисобот бериши кўзда тутилган. Бундан ташқари, **эмитент** таъсир тўғрисидаги ҳисобот орқали тегишли таъсир кўрсаткичлари ҳақида ҳисобот бериши мумкин.

ХКБУ тамойилларига мувофиқликнги таъминлаш мобайнида, БРМ Облигациялари Дастурини нашр этишдан олдин Иккинчи томон хулосаси олинган. Бундан мақсад тузилманинг ХКБУ кўрсатмаларига тўлиқ мувофиқлигини таъминлашдан иборат бўлган.

Иккинчи томон хулосаси тақдим қилган «Sustainalytics» компанияси, БРМ Облигациялари Тузилмасининг ишончли ва таъсирли эканлиги ҳамда 2021 йилги Барқарорлик облигациялари йўриқномаси, 2021 йилги «Яшил» облигациялар тамойиллари ва 2021 йилги Ижтимоий облигациялар тамойилларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса берди.

**«Sustainalytics» компанияси:**

*«Маблағлардан фойдаланишнинг мақбул тоифалари - таълим олиш имкониятларини таъминлаш, сув ва оқава сувларни барқарор бошқариш ва тошқиндан ҳимоя қилиш тизимлари, зарурий соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш, асосий ва экологик тоза транспорт хизматларини кўрсатиш, ифлосланишнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, жонивор табиий ресурслар ва (қуруқликдаги ва сувдаги) ердан фойдаланишни барқарор бошқариш, экологик тоза ва самарали энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш «Яшил» облигациялар тамойиллари ва Ижтимоий облигациялар тамойиллари томонидан тан олинган тоифаларга мос келади. «Sustainalytics» компанияси, мақбул тоифадаги инвестициялар ижобий экологик ёки ижтимоий таъсирга олиб келади ва БМТнинг БРМга, хусусан, 3, 4, 6, 9, 11, 13 ва 15 БРМларга эришишга ҳисса қўшади, деб ҳисоблайди.»*[12]

Облигация чиқарилиши Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига ривожланиш соҳасидаги устуворликларга эришишда қандай ёрдам беришини намойиш қилиш мақсадида Молия вазирлиги мазкур ҳисоботни тайёрлади. У вазирлик веб-сайтида чоп этилади ҳамда халқаро инвесторлар ва жамоатчиликка тақдим этилади. Мазкур ҳисобот Ўзбекистоннинг БРМга эришишга бел боғлаганлигини ёритиш, шунингдек, ажратилган маблағлардан фойдаланиш натижаларининг шаффоф ҳисоботини тақдим қилиш мақсадида тайёрланган.

[12] “Sustainalytics” компанияси 2021 й. Ўзбекистон Республикаси, БРМ Облигациялари Тузилмаси. Иккинчи томон хулосаси (2021 й). [online] қуйидаги ҳаволага қаранг: <https://www.sustainalytics.com/corporate-solutions/sustainable-finance-and-lending/published-projects/project/republic-of-uzbekistan/republic-of-uzbekistan-sdg-bond-framework-second-party-opinion-(2021)/republic-of-uzbekistan-sdg-bond-framework-second-party-opinion-(2021)> [Accessed 21 May 2022].

# БРМ ОБЛИГАЦИЯСИ: ТРАНЗАКЦИЯ ҲАҚИДА АСОСИЙ МАЪЛУМОТ

2021 йил 12 июлдаги сотишдан сўнг халқаро облигациялар ҳажми ва фоиз ставкалари (купонлар) икки траншда белгиланган эди. **635 миллион АҚШ** доллари миқдоридаги биринчи транш (10 йиллик тўлов муддати билан) йилига 3,9 фоизли купон билан чиқарилди. БРМга йўналтирилган иккинчи транш (3 йиллик тўлов муддати билан) йилига 14,0 фоизли купон билан **2,5 триллион** сўм **(235 миллион АҚШ** доллари эквиваленти) миқдорида баҳоланди.

МДҲ минтақасидаги биринчи БРМ облигацияси бўлишидан ташқари, бу облигациялар Марказий ва Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Африка минтақасидаги давлатлар томонидан чиқарилган БРМ ёрлиғи билан белгиланган (БМТ БРМ билан чамбарчас мувофиқлигини кўрсатишга мўлжалланган) биринчи эмиссия ҳисобланади. Бу сўм бозорида эришилган катта ютуқ бўлди. 2020 йил ноябр ойида сўмда чиқарилган биринчи эмиссия билан солиштирганда, республика янги эмиссия ҳажмини 25 фоизга ошириши билан бирга купон ставкасини пасайтирди ва шу тариқа олдинги 2020 йил ноябр ойида ривожланиш молияси институтлари томонидан чиқарилган облигациялар билан солиштирганда сезиларли даражада олдинга силжиш намойиш қилди.

Ушбу чегирма буюртмалар портфелига АҚШ долларидаги транш бўйича **3,5** бараварга ва сўмдаги транш бўйича қарийб **1,5** баробарга ортиқча обуна бўлиши таъсири остида даромадлиликнинг АҚШ долларидаги транш учун **47,5 базис** нуқтасига ва сўмдаги транш учун **50** б.н**.** га сезиларли пасайиши билан боғлиқ бўлди.

## Транзакциянинг умумлаштирилган тавсифи

### 1-жадвал: Асосий эмиссия муддатлари жадвали

| **Чиқарувчи (эмитент):** | **Ўзбекистон Республикаси** | |
|---|---|---|
| Эмиссия рейтинлари: | BB- (S&P) / BB- (Fitch) | |
| Ҳужжатлар: | Эмитентнинг Глобал ўрта муддатли облигациялар (GMTN) дастури | |
| Ҳолат: | Имтиёзли таъминотсиз облигациялар | |
| Формат: | S тартиби / 144A қоидаси | |
| Нарх белгилаш санаси: | 12 2021 йил июль | |
| Қоплаш санаси: | 19 2021 йил июль | |
| Умумий ҳажм: | Тахминан 870 миллион АҚШ доллари | |
| Деноминация қилиш пул бирлиги: | АҚШ доллари | Ўзбекистон сўми |
| Транш ҳажми: | 635 000 000 АҚШ доллари | 2 500 000 000 000 сўм (~235 миллион АҚШ доллари эквивалентида) [13] |
| Транш муддати: | **10,25 йил**<br>(19 октябрь 2031 йил) | **3 йил**<br>(19 июль 2024 йил) |
| Қайта жойлаштиришдан олинадиган даромад (купон): | 3,90%<br>(ўзгармас йиллик фоиз ставкаси, тўлов ҳар 6 ойда) | 14,00%<br>(ўзгармас йиллик фоиз ставкаси, тўлов ҳар 6 ойда) |
| Қайта жойлаштириш нархи: | 100 % | 100 % |

[13] 2021 йил 12 июль ҳолатига расмий валюта курси, 1 АҚШ доллари = 10 621 сўм.

| **Чиқарувчи (эмитент):** | **Ўзбекистон Республикаси** | |
|---|---|---|
| Мезон кўрсаткич: | Ягона ижтимоий солиқ (ЯИС) 1,625%, 2031 йил май ойида тўлаш шарти билан | М/Й |
| Мезон кўрсаткичга нисбатан спред | 254,1 базис нуқтаси | М/Й |
| Маблағлардан фойдаланиш: | Умумий бюджет мақсадларида | Республика БРМ Облигациялари Тузилмасида кўрсатилганидек, мақбул БРМ харажатларини молиялаштириш ва/ ёки қайта молиялаш |
| Иккинчи томон хулосаси тақдим қилувчи: | М/Й | "Sustainalytics" компанияси |
| Тўлов валютаси: | АҚШ доллари (ҳар иккала транш бўйича барча пул оқимлари, шу жумладан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, купонлар бўйича ва асосий қарзларни тўлаш учун АҚШ долларида) | |
| Қўлланиладиган қонун/ листинг: | Англия/ Лондон фонд биржаси | |
| Ҳисоб-китоб-клиринг тизимлари: | "Euro clear" / "Clear stream" / ДТК | |
| "JLM" / "Bookrunner" | "Citi", "J.P. Morgan", Газпромбанк ва "MUFG" | |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.*

### 2-расм: Инвестор туридан келиб чиқиб ажратмалар тақсимоти




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

### 3-расм: Облигация харидорларининг географик тақсимоти




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

# 2021 ЙИЛ ИЮЛЬ ОЙИ ЭМИССИЯСИ УЧУН ТАНЛОВ ЖАРАЁНИ

## Лойиҳа таклифи жараёни

Prior to the allocation of proceeds, participating ministries were required to submit projects for consideration using an online questionnaire. This questionnaire aligned with the project selection process outlined in the bond framework, enabling a transparent review of the project against the selection criteria.

The questionnaire details alignment against exclusion criteria, eligible themes and eligible expenditures, as well as a set of proposed key performance indicators by which project impact can be measured.

## Мос келувчи барқарор тоифалар

**БРМ Облигациялари Тузилмаси** доирасида маблағларни ажратиш аниқ мезонлар рўйхати асосида лойиҳаларни кўриб чиқиш ва танлаш учун жиддий танлов жараёнини талаб қилади. Лойиҳани танлашнинг дастлабки босқичида лойиҳанинг молиялаштиришнинг асосий мезонларига мувофиқлиги аниқланади. Ўзбекистон томонидан чиқарилган ҳар қандай БРМ облигациялари учун лойиҳалар муносиб деб топилиши учун облигациянинг **асосий етти мавзусидан** бирига қаратилган бўлиши шарт.

БРМ Облигациялари Тузилмаси доирасида Ўзбекистон қуйидаги мақсадлардан бирига ёки бир нечтасига эришишга қаратилган давлат харажатларини молиялаштиради ёки қайта молиялаштиради:

- Таълим олиш имкониятини таъминлаш
- Барқарор сув таъминоти, оқава сувларни тартибга солиш ва тошқиндан ҳимоя қилиш тизимлари
- Зарурий тиббий хизматлардан фойдаланиш имконини таъминлаш
- Зарурий ва тоза транспорт хизматларини тақдим қилиш
- Ифлосланишнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш
- Жонивор табиий ресурслар ва ердан фойдаланишни барқарор бошқариш
- Тоза ва самарали энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш

## Муносиб харажатлар

Ҳар бир лойиҳа бўйича харажатлар қуйидаги "харажатларнинг муносиб шакллари" тоифаларидан бирига мувофиқ келиши керак.

- **Инвестицион харажатлар:** капитал қўйилмалар, шу жумладан объектлар, тузилмалар, тармоқ тизимлари, узоқ муддатли активлар, ускуналар ёки жисмоний активлар

- **Субсидиялар, грантлар ва кредитлар:** Асосий хизматларни кафолатлаш учун грантлар ёки паст фоиз ставкалари бўйича кредитлар кўринишидаги молиявий имтиёзлар.
- **Солиқ харажатлари:** Ижтимоий ёки экологик мақсадларга эришиш ёки эришишни рағбатлантириш учун солиқ жарималари ҳамда жорий солиқ сиёсати (шу жумладан ставкалар ва фискал база) га ҳар қандай истиснолар.
- **Операцион харажатлар:** Давлат хизматларини кўрсатиш ва давлат товарлари билан таъминлашга доир марказий ҳукуматнинг харажатлари. Бундай харажатлар муносиб лойиҳалар билан боғлиқ тўғридан-тўғри харажатлар билан чекланади.
- **Интервенция харажатлари:** Марказий ҳукуматнинг давлат корхоналари ва давлат-хусусий шериклик каби ўз юридик мақомига эга бўлган давлат ташкилотларига молиявий трансфертлари ёки бадаллари.

## Четлатилган (киритилмаган) тадбирлар

Кейинги босқичда облигациялар тузилмаси, айрим четлатилган тоифаларга кирувчи лойиҳаларга (юқорида кўрсатилган шаклларда) маблағларни тақсимлашни тақиқловчи четлатиш мезонлари рўйхати кўринишидаги танлаш мезонларининг кейинги кесимини ўз ичига олади.

- Қазиб олинадиган ёқилғи разведкасини қилиш, уни қазиб олиш ёки ташиш
- Атом энергиясини ишлаб чиқариш
- Спиртли ичимлик махсулотлари, қурол-яроқ, тамаки махсулотлари, пальма ёғи, чорвачилик/мол гўшти ишлаб чиқариш, баҳсли минераллар ёки вояга етганлар учун кўнгилочар индустрияси.

Бундан ташқари, барча харажатлар қуйидаги фаолият турларига тегишли эмаслигига амин бўлиш учун текширилди:

- Ўрмонларни йўқ қилиш ёки биологик хилма-хилликнинг бузилиши
- Болалар меҳнати ёки мажбурий меҳнат
- Коррупцияга қарши қонун ҳужжатларини ёки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий соҳа ва бошқарув соҳасидаги қонунлар, сиёсат ва тартибларни бузиш

## Баҳолаш ва танлаб олиш

Инвестицион мавзулар, мақбул харажатлар ва юқоридаги четлатиш мезонларига мувофиқ потенциал мақбул лойиҳаларнинг кенг доираси орасидан лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш жараёнлари йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат қарзи департаменти лойиҳаларни баҳолаш жараёнлари ва ҳисобот бериш учун асосий масъул бўлинма ҳисобланади. 4-расмда тузилма схемасидан лойиҳани умумий баҳолаш ва танлаб олиш жараёни батафсил кўрсатилган.

**4-расм: Лойиҳани баҳолаш ва танлаб олиш**[14]




БРМ Облигациялари Тузилмасининг етти асосий мавзуси бўйича мутасадди вазирликларга лойиҳани онлайн ариза шаклидан фойдаланган ҳолда облигациялар маблағлари ҳисобидан молиялаштириш учун ариза бериш имконияти берилди. Ушбу шакл унга бундай лойиҳалар БРМга эришишга қандай ҳисса қўшишини тавсифловчи умумий лойиҳа тафсилотларини ва лойиҳани БРМ Облигациялари Тузилмаси билан мувофиқлаштириш ҳақида қўшимча маълумотлар киритилишини талаб қилади. Бу шакл унга лойиҳанинг таъсирини ўлчаш мумкин бўлган аниқ кўрсаткичлар бўйича таклиф киритилишини назарда тутади.

Лойиҳаларнинг ушбу бирламчи катта рўйхати 4-расмда кўрсатилган жараёндан БМТТД ва турли босқичларда Молия вазирлиги Давлат қарзи департаменти назорати остида ўтди. Вазирликлар томонидан тақдим этилган лойиҳаларнинг бирламчи катта рўйхати ва уларнинг батафсил тавсифлари асосида аниқлаштирилган қисқа рўйхат тузилди ва БРМ Облигациялари Тузилмаси ҳамда 2021 йил июл ойида эмиссия қилиш учун танланган устувор мавзуларга мувофиқ устуворлиги белгиланди.

Якуний ҳисобда, лойиҳалар Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган кун тартиби доирасида тузилган республика Бош вазирининг ўринбосари раҳбарлигидаги БРМ Мувофиқлаштириш кенгаши томонидан якуний тасдиқланди.

Танланган лойиҳалар Молия вазирлигининг Давлат қарзини жалб қилиш бошқармаси томонидан юритиладиган БРМ облигациялари реестрига киритилди.

[14] 2021 й. Ўзбекистон Республикаси, БРМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ТУЗИЛМАСИ. [PDF] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. Батафсил маълумот учун ушбу ҳаволага ўтинг: <https://www.mf.uz/media/file_en/dmo/SDG_Bond_Framework.pdf> [Accessed 28 June 2022].

# ТАҚСИМЛАШ ЮЗАСИДАН ҲИСОБОТ

БРМ облигацияларини чиқаришдан тушган маблағлар тақсимланиши Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Барқарор ривожланиш режасига[15], мувофиқ давлат харажатларини давлат бюджети доирасида молиялаштиришга ҳисса қўшди.

Ушбу эмиссия доирасида тўпланган маблағларнинг барчаси биринчи йил давомида мақбул лойиҳаларга йўналтирилди. Мазкур тақсимот БРМ Облигациялари Тузилмаси доирасида икки йиллик даврда мувофиқ деб топилган лойиҳаларни қайта молиялаштириш, шунингдек, БРМ билан мувофиқлаштирилган янги лойиҳаларни молиялаштиришнинг комбинацияси ҳисобланади.

4-расмда кўрсатилганидек, облигациялар маблағларини тақсимлаш учун танлов жараёни натижасида БРМ Мувофиқлаштириш кенгаши томонидан БРМ Облигациялари Тузилмаси доирасида тўрт мавзуга эътибор қаратишга қарор қилинди:

- Зарурий тиббий хизматлардан фойдаланиш имконини таъминлаш
- Таълим олиш имкониятини таъминлаш
- Барқарор сув таъминоти, оқава сувларни тартибга солиш ва тошқиндан ҳимоя қилиш тизимлари
- Зарурий ва тоза транспорт хизматларини тақдим қилиш

Мазкур тўрт мавзу мамлакатнинг миллий БРМ билан боғлиқ юқори устуворлиги ва ҳар бир мавзу учун лойиҳа портфелининг юқори салоҳияти туфайли аниқланди. Энг самарали лойиҳаларни танлашни таъминлаш учун танлаш матрицаси қўлланилди.

БРМ облигацияларини чиқаришдан тушган маблағлар ҳисобидан жами 145 та лойиҳа[16] тўлиқ ёки шериклик асосида молиялаштирилди. Қуйида келтирилган 2-жадвал ва 5-расмда облигациянинг ҳар бир мақбул мавзуси бўйича облигация маблағларнинг тақсимоти кўрсатилган.

**5-расм: БРМ облигацияси ажратилишининг мавзулар бўйича тақсимоти**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

**2-жадвал: БРМ облигацияларининг БРМ кесимида тақсимоти**

| БРМ н. | БРМ номланиши | Маблағ ажратилиши (миллион сўм) | Фоиз улуши |
|---|---|---|---|
| 3 | Соғлик ва фаровонлик | 541,373 | 22% |
| 4 | Сифатли таълим | 438,875 | 17% |
| 6 | Тоза сув ва санитария | 169,970 | 7% |

[15] 2020 й. "Ўзбекистон барқарор ривожланиш йўлида" (Uzbekistan on the road to sustainable development). [PDF] "БМТ Барқарор Ривожланиш" (UN Sustainable Development). Батафсил маълумот учун ушбу ҳаволага ўтинг: <https://sustainabledevelopment.un.org/content/documents/1034uzbekistan.pdf> [Accessed 22 May 2022].

[16] Ҳозирда амалга оширилаётган эмлаш дастурини ҳисобга олмаган ҳолда" (Excluding the vaccination programme which is currently under way).

| БРМ н. | БРМ номланиши | Маблағ ажратилиши (миллион сўм) | Фоиз улуши |
|---|---|---|---|
| 9, 11, 13 | 9-БРМ: Саноат, Инновация ва Инфратузилма/<br>11-БРМ: Барқарор шаҳарлар ва аҳоли пунктлари<br>13-БРМ: Иқлим ўзгаришига қарши кураш | 1,349,782 | 54% |
| **Жами** | | **2,500,000** | **100%** |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

1991 йилда мустақилликка эришгандан сўнг, мамлакатда ўртача умр кўриш давомийлиги муттасил ошиб бормоқда[17], бироқ мамлакатнинг узоқ ҳудудларида жойлашган аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда, шунингдек, аҳоли саломатлигини мутаносиб таъминлашда сезиларли қийинчиликларга дуч келинмоқда. **Соғлик ва фаровонликни таъминлаш (3-БРМ)** мақсадларига умумий ажратилган маблағнинг 22 фоизи мамлакатнинг турли минтақаларида тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилди. Булар бирламчи тиббий-санитария муассасаларига эътибор қаратиш билан бир қаторда шифохоналар қуриш ва уларни реконструкция қилишни ҳам ўз ичига олади.

Сўнгги ўн йиллик давр ичида туғилиш даражаси ўсиб бораётган мамлакатда[18], янги туғилган чақалоқларнинг тиббий эҳтиёжларини қўллаб-қувватлашга эҳтиёж ортди. Ушбу миллий устувор вазифани ҳисобга олган ҳолда, 0 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларни 16 турдаги эмлашни назарда тутувчи болаларни эмлаш дастурига салмоқли маблағ ажратилди. **Адолатли иқтисодий ўтишни** таъминлаш мақсадида, асосий эътибор аҳолининг таъсирларга тобеълиги юқори бўлган қатламлари учун бўлган соғлиқни сақлаш шакллари, шифохоналар қуриш ва умуман болаларни эмлаш ишларига қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун **сифатли таълим** инфратузилмасига **(4-БРМ)** инвестиция киритиш зарурлигини белгилаб берди. **Мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари салоҳиятини ошириш** мамлакатга эрта ёшдаги болалар қамровини ошириш ва бошланғич ва ўрта таълим мактабларида таълим самарасини яхшилашга ёрдам беради. Эмиссия маблағлари ҳисобидан ажратилган 17 фоизлик маблағнинг аксарият қисми қишлоқ ҳудудларда жойлашган мактабгача таълим муассасаларини реконструкция қилишга йўналтирилди.

Республиканинг икки асосий хўжалик сектори бўлган ичимлик суви ва оқава сув тизимлари ҳамда ирригация тизимларида сув лойиҳалари белгиланди. **Тоза сув ва санитария (6-БРМ)** билан таъминлашга ажратилган умумий 7 фоиз облигация маблағларининг тўртдан уч қисмидан кўпроғи тоза сув инфратузилмасини кенгайтиришга йўналтирилди. Тез суръатларда урбанизациялашаётган иқтисодиёт шароитида аҳоли жойлашуви тобора зичлашиб бораётган шаҳарларда тоза сувга талаб ортиб бормоқда. Шу боис мавжуд инфратузилмани модернизация қилиш ва кенгайтиришга инвестициялар йўналтирилди. Айнан шу тариқа, анъанавий узоқ ҳудудларда жойлашган қишлоқ жойларида ҳам адолатли иқтисодий ўтиш ва барча учун тенг равишда барқарор ривожланиш тамойилларига мувофиқ тоза сув таъминотидан янада кафолатли фойдаланиш имкониятини оширишга инвестициялар киритилмоқда.

[17] Жаҳон банки. 2022 й. Туғилганда ўртача умр кўриш давомийлиги, жами (йиллар) - Ўзбекистон | Маълумот ("Life expectancy at birth, total (years) - Uzbekistan | Data"). [online] Батафсил маълумот учун ушбу ҳаволага ўтинг: <https://data.worldbank.org/indicator/SP.DYN.LE00.IN?locations=UZ> [Accessed 2 July 2022].

[18] Жаҳон банки. 2022 й. "Туғилиш даражаси, дастлабки ҳисоб (1 000 кишига) - Ўзбекистон | Маълумот" (Birth rate, crude (per 1,000 people) - Uzbekistan | Data). [online] Батафсил маълумот учун ушбу ҳаволага ўтинг: <https://data.worldbank.org/indicator/SP.DYN.CBRT.IN?locations=UZ> [Accessed 3 July 2022].

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, қишлоқ хўжалиги ерларини ирригация қилиш соҳасига киритиладиган инвестициялар сезиларли ижобий таъсир кўрсатиш салоҳиятига эга. Облигациялар чиқаришдан олинган маблағлар сувдан фойдаланишни модернизация қилиш ва унинг умумий самарадорлигини ошириш мақсадида самарасиз инфратузилмани таъмирлаш ва реконструкция қилишга йўналтирилади. Таъсир экинлар ҳосилдорлиги ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали бевосита, ҳамда бандликни ошириш ва маҳаллий иқтисодий ўсиш орқали билвосита кўринишда бўлиши мумкин.

Молиялаштиришнинг аксарият қисми (54 фоизи) **саноат, инновация ва инфратузилма, барқарор шаҳарлар ва иқлим ўзгаришига қарши курашни** қамраб олган **9, 11 ва 13 БРМга** эришиш йўлидаги мамлакатнинг саъи-ҳаракатлари доирасида янги жамоат транспорти қурилишига инвестиция кўринишида киритилди. Ушбу маблағлар янги метро линиялари учун инфратузилмани шериклик асосида молиялаштиришга ёрдам берди, бу эса Ўзбекистоннинг қазиб олинадиган ёқилғи ишлатилмайдиган транспорт тизимларига ўтиш иштиёқларини амалга оширишга ёрдам беради. Ушбу модернизация қилинган транспорт инратузилмаси салоҳиятини ошириш аҳолининг ҳаракатланиш имкониятларини кенгайтиришга ва иқтисодий ўсишга ёрдам беради. Янги транспорт тизимининг бошқа ижобий натижалари ҳам кутилмоқда, жумладан, маҳаллий ҳаво сифатини яхшилаш ва туризм каби бошқа соҳаларни ҳам қўллаб-қувватлаш.

Мазкур тўрт мавзу бўйича лойиҳаларни танлаш ва тақсимлаш жараёни тегишли вазирликлар билан яқин ҳамкорликда амалга оширилди. **3-жадвал** ва **6-расмда** жалб қилинган вазирликлар рўйҳати ва уларнинг маблағларига доир харажатлар тоифалари келтирилган.

**3-жадвал: БРМ облигацияларини барқарор харажатлар тоифалари кесимида тақсимоти**

| | Масъул вазирлик | Барқарор харажатлар тоифаси | Маблағ ажратилиши (миллион сўм) | Фоиз улуши |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Шифохоналарни қуриш ва реконструкция қилиш | 343 892 | 14 % |
| 2 | Соғлиқни сақлаш вазирлиги - Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати | Болаларни эмлаш дастури | 197 481 | 8 % |
| 3 | Халқ таълими вазирлиги | Мактабларни қуриш ва реконструкция қилиш | 247 806 | 10 % |
| 4 | Мактабгача таълим вазирлиги | Болалар боғчаларини қуриш ва реконструкция қилиш | 191 069 | 7 % |
| 5 | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги - "Ўзсувтаъминот" АЖ | Ичимлик суви объектлари ва канализация тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 130 563 | 5 % |
| 6 | Сув хўжалиги вазирлиги | Ирригация тизимларини реконструкция қилиш | 39 407 | 2 % |
| 7 | Транспорт вазирлиги | Пойтахтда ер усти ва ер ости метросини қуриш | 1 349 782 | 54 % |
| | **Жами** | **2 500 000** | **100 %** | **100%** |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

**6-расм: БРМ облигацияси мавзулар бўйича ажратилишининг фоиз кўринишидаги тақсимоти**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

Географик жиҳатдан маблағларнинг[19] деярли тўртдан уч қисми Тошкент вилоятига (60 фоизи Тошкент шаҳрига ва 8 фоизи Тошкент вилоятига) йўналтирилди. Бунга асосан жами маблағнинг 54 фоизи муҳим Тошкент метрополитени ва транспорт лойиҳаларига ажратилгани сабаб бўлди. Нисбатан юқори фоиз ажратмалар юборилган бошқа вилоятлар Андижон (5 фоиз), Наманган (5 фоиз) ва Фарғона (4 фоиз) вилоятлари бўлди.

**7-расм: БРМ облигация маблағлари ажратилишининг географик тақсимоти**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

Тақсимлаш жараёни қуйидаги 4-жадвалда кўрсатилганидек, облигация маблағларининг мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйича географик тақсимланишини таъминлади.

[19] Эмлашдан ташқари.

**4-жадвал: Минтақалар кесимидаги тақсимот**

| Минтақа | Population (2017)[20] | Ажратиш (миллион сўм) |
|---|---|---|
| Андижон | 3,011,700 | 117,177 |
| Бухоро | 1,870,200 | 34,706 |
| Фарғона | 3,620,200 | 101,869 |
| Жиззах | 1,325,000 | 22,599 |
| Қашқадарё | 3,148,400 | 76,239 |
| Хоразм | 1,805,000 | 79,614 |
| Наманган | 2,699,600 | 113,279 |
| Навоий | 958,000 | 16,811 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1,842,300 | 45,515 |
| Самарқанд | 3,720,100 | 34,481 |
| Сурхандарё | 2,514,200 | 67,949 |
| Сирдарё | 815,900 | 37,926 |
| Тошкент | 2,861,200 | 176,799 |
| Тошкент шаҳри | 2,464,900 | 1,377,544 |
| Жами | 32,656,700 | 2,302,519 |
| **Болаларни эмлаш дастури** | | |
| | **Харид килинган вакцина дозалари миқдори** | **Ажратиш (миллион сўм)** |
| **Жами** | | **2,500,000** |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

[20] CEIC" маълумотлари. 2021 й. "Ўзбекистон аҳолиси: Ҳудудлар кесимида" (Uzbekistan Population: by Region). [online] Батафсил маълумот учун ушбу ҳаволага ўтинг: <https://www.ceicdata.com/en/uzbekistan/population-by-region> [Accessed 1 July 2022].

# БОШЛАНҒИЧ ТАЪСИР ЮЗАСИДАН ҲИСОБОТ

Эмиссиядан олдин тайёрланган танлов матрицаси облигациядан тушган маблағлар БРМ Облигациялари Тузилмаси доирасида танланган етти мавзудан тўрттасига тўлиқ мувофиқлаштирилишини таъминлашга ёрдам берди. Ушбу бўлимда маблағларнинг тақсимланиши ва тўрт хил мавзуга таъсири батафсилроқ ёритилади.

## ТАЪЛИМ

4-БРМ доирасида юқори сифатли таълимни ривожлантириш Ўзбекистон томонидан барқарор ривожланиш режасида асосий миллий устуворлик сифатида белгиланган. Облигациялар чиқаришдан тушган маблағ қисман боғча ёшидаги болаларга ўрта мактабни битиргунга қадар таълим хизматларини кўрсатишни давом эттириш учун сарфланди.

### Kindergartens

| | |
|---|---|
| **Мувофиқ лойиҳалар сони** | 35 |
| **Ажратилган маблағлар** | 191 069 миллион сўм |
| **Янги яратилган қўшимча салоҳият** | 4 220 |
| **Таъмирланган мавжуд салоҳият** | 3 300 |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

**5-жадвал: Биринчи ўнликдан ер олган болалар боғчалари лойиҳалари доирасида яратилган қўшимча салоҳият[21]**

| Лойиҳа | Бюджет (миллион сўм) | Янги яратилган салоҳият | Таъмирланган мавжуд салоҳият |
|---|---|---|---|
| Андижон вилояти Андижон шаҳридаги 38-сон болалар боғчасини реконструкция қилиш | 5,449 | 280 | - |
| Андижон вилояти Балиқчи туманидаги 25-сон болалар боғчасини реконструкция қилиш | 5,260 | 280 | - |
| Андижон вилояти Андижон туманидаги 14-сон болалар боғчасини реконструкция қилиш | 6,192 | 240 | - |
| Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги Тегирмонбоши аҳоли турар жойида янги болалар боғчасини қуриш | 7,329 | 240 | - |
| Андижон шаҳридаги 35-сон болалар боғчасини реконструкция қилиш | 6,048 | 210 | - |
| Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 26-сон болалар боғчасини реконструкция қилиш | 4,472 | 180 | - |
| Фарғона вилояти Сўх туманидаги Сариканда аҳоли турар жойида янги болалар боғчасини қуриш | 7,268 | 180 | - |
| Наманган вилояти Косонсой туманидаги Чиндовул аҳоли турар жойида янги болалар боғчасини қуриш | 6,122 | 180 | - |
| Наманган вилояти Уйчи туманидаги Овчибулоқ аҳоли турар жойида янги болалар боғчасини қуриш | 6,153 | 180 | - |
| Тошкент вилояти Нурафшон шаҳридаги Тўйтепа аҳоли турар жойида янги болалар боғчасини қуриш | 6,212 | 180 | - |
| Қолган болалар боғчаси лойиҳалари | 130,565 | 2,070 | 3,300 |
| **Жами** | **191,069** | **4,220** | **3,300** |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

[21] Бу янги ташкил этилган қўшимча жойлар сони бўлиб, реконструкция қилинаётган мавжуд жойларни ўз ичига олмайди

**8-расм: Болалар боғчалари учун фойдаланиладиган ер турлари, фоиз кўринишида**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

**9-расм: Турлари ва ҳудудлари кесимида болалар боғчаси лойиҳалари сони**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

## Таъсир таҳлили

Эмиссиядан тушган маблағнинг бир қисми бутун мамлакат бўйлаб болалар боғчаларини қуриш ва реконструкция қилиш учун сарфланди. Мактабгача таълим мамлакатимизнинг БРМ сари олдинга силжишида муҳим сектор сифатида белгиланди. Ҳукумат бутун мамлакат бўйлаб болалар боғчалари даражасида таълим бериш сифатини яхшилашга интилади.

8-расмдан кўриниб турибдики, ушбу ажратманинг аксарият қисми (62 фоизи) қишлоқ аҳолисига фойда келтиради. Қишлоқ аҳолисига таълим хизматларини кўрсатиш тарихан қийинроқ бўлган, шу боис бундай минтақалар ҳамма учун адолатли ўтишни таъминлаш мақсадида танлов жараёни орқали аниқланган.

Болалар боғчалари лойиҳалари учун тушган маблағлар мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйлаб тақсимланди. 10-расмда кўрсатилганидек, ҳудудлар кесимида қаралганда, энг катта ҳисса (38 131 миллион сўм) Наманган вилоятига тўғри келди – бу минтақадаги барча лойиҳалар қурилишга йўналтирилган. Наманган вилояти катта ҳажмда табиий ресурсларга эга бўлиб, вилоятнинг ҳозирги иқтисодий ўсишига мос равишда урбанизацияга учрамоқда. Вилоят аҳолисининг ҳам кўпайиб бораётгани қўшимча таълим салоҳиятига эҳтиёж борлигини кўрсатмоқда.

**10-расм: Ҳудудлар кесимида болалар боғчаларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

Мамлакатнинг аҳолиси энг зич жойлашган вилояти бўлган Андижон[22], вилоятига реконструкция лойиҳаларига энг кўп маблағ ажратилди (29 427 миллион сўм).

Болалар боғчаларига қўшимча инвестиция киритилиши ҳисобига салоҳиятнинг ортиши қўшимча педагогик ва нопедагогик кадрларни жалб этишга хизмат қилмоқда. 6-жадвалда бунинг қишлоқ ва шаҳар ҳудудлари кесимида ходимларнинг бандлигига бўлган таъсири ва таҳлили келтирилган. Шу жумладан, жадвалда қурилиш лойиҳалари доирасида яратилган қўшимча болалар боғчалари салоҳияти, шунингдек, мавжуд муваффақиятли қайта таъмирланган салоҳият ҳажми кўрсатилган.

**6-жадвал: Болалар боғчаларида мавжуд салоҳият ва ишга олинган қўшимча ходимларга бўлган таъсир**

| Ҳудуд | Иш билан таъмин-ланган ўқитувчи сони | % | Иш билан таъминланган ўқитувчи бўлмаган ходимлар | % | Қўшимча салоҳият | % | Реконструкция қилинган мавжуд салоҳият | % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Қишлоқ ҳудудлари | 351 | 61% | 468 | 63% | 3,010 | 71% | 1,590 | 48% |
| Шаҳар ҳудудлари | 222 | 39% | 278 | 37% | 1,210 | 29% | 1,710 | 52% |
| **Жами** | **573** | **100%** | **746** | **100%** | **4,220** | **100%** | **3,300** | **100%** |

Бундан ташқари, ушбу бандлик кўрсаткичлари 8-расмда кўрсатилганидек, қишлоқ ва шаҳарлардаги умумий инвестициялар билан мос келади, чунки қишлоқ жойларда қўшимча (ўқитувчи бўлган ва ўқитувчи бўлмаган) ходимлар умумий қўшимча ишга олинган ходимларнинг 62 фоизини ташкил қилади.

**11-расм: Ҳудудлар кесимида болалар боғчаларига қабул қилинган болалар ва иш билан таъминланган ходимлар**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

[22] АЙСАЧЕВ А.А., 2021 йил. "АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИ МИНТАҚАВИЙ ДИНАМИКАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ. НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ФАН" (ECONOMIC AND STATISTICAL ANALYSIS OF REGIONAL TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF AGRICULTURE IN THE ANDIJAN REGION. THEORETICAL & APPLIED SCIENCE) Таъсисчилар: "Назарий ва амалий фан", (9).

## Амалдаги тажрибани ўрганиш

**1-лойиҳа:** Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги Тегирмонбоши аҳоли турар жойи ҳудудида 240 болалик янги болалар боғчасини қуриш.

**Ажратилган маблағлар:** 7 329 миллион сўм.

**Тафсилоти:** (Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги) Тегирмонбоши қишлоқ аҳолиси турар жойи ҳудудида 3-6 ёшдаги болалар учун таълим шароити яратишга ёрдам кўрсатиш мақсадида янги болалар боғчаси қурилди. Ушбу лойиҳа болалар учун таълим олиш имкониятларини кенгайтириш нуқтаи назаридан жойлардаги манфаатдор томонлар учун катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур лойиҳа учун болалар боғчалари бўйича барча лойиҳалар орасида энг катта ҳажмда маблағ, яъни жами 7 329 миллион сўм ажратилди.

**Таъсири:** Янги қурилган болалар боғчаси Наманган вилоятида болаларни таълим билан қамраб олиш даражасини оширишга кўмак берди. Унда 240 нафар бола тарбияланади, шунингдек, 18 нафар ўқитувчи ва 25 нафар педагог бўлмаган ходимлар учун иш ўринлари яратилади.








*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

**2-лойиҳа:** Фарғона вилояти Сўҳ туманидаги Сариканда аҳоли турар жойи ҳудудида янги болалар боғчасини қуриш.

**Ажратилган маблағлар:** 7 268 миллион сўм.

**Тафсилоти:** Фарғона вилояти Сўҳ туманида янги болалар боғчасини қуришга маблағлар ажратилди. Сўх тумани Ўзбекистоннинг қўшни Қирғизистон Республикаси ҳудуди билан ўралган эксклав қишлоқ ҳудуди ҳисобланади.

**Таъсири:** Янги қурилишлар мазкур узоқ ҳудудда жойлашган қишлоқ аҳолиси учун болалар боғчаси салоҳиятини кенгайтириш билан бирга, қўшимча иш ўринлари ҳам яратади. Лойиҳани амалга ошириш натижасида уч ёшдан олти ёшгача бўлган қўшимча 180 нафар бола мактабгача таълим муассасаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Янги болалар боғчасида 14 нафар педагог ва 18 нафар педагог бўлмаган ходимлар ишлайди.







*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

**7-жадвал: Болалар боғчаларига доир амалий тадқиқотларида мақсад қилиб белгиланган БРМ кўрсаткичлари**

| БРМ кўрсаткичлари | Тавсифлар |
|---|---|
| 4.2.1.1 | Саломатлик, таълим олиш ва психологик фаровонлик нуқтаи назаридан нормал ривожланаётган уч ёшдан беш ёшгача бўлган болаларнинг жинси бўйича нисбати |
| 4.2.1.2 | Уч ёшдан олти ёшгача бўлган болаларнинг мактабгача таълим тизими билан қамраб олинган нисбати |
| 4.2.2 | Тизимли таълимда иштирок этиш нисбати (расмий бошланғич мактабга кириш ёшидан бир йил олдин), жинси бўйича |
| 4.5.1 | Таълим тизимида жинси, қишлоқ/шаҳар ҳудудида жойлашуви ва моддий таъминланганлик нисбати бўйича паритет индекслари |
| 4.a.1 | Қуйидагилардан фойдаланиш имконияти мавжуд мактаблар нисбати: (a) электр энергияси; (b) таълим мақсадлари учун Интернет; (c) таълим мақсадлари учун компютерлар; (d) ногирон талабалар учун мослаштирилган инфратузилма ва материаллар; (e) асосий ичимлик суви; (f) ўғил-қизлар учун алоҳида асосий санитария иншоотлари; ва (g) асосий қўл ювиш иншоотлари |
| 4.c.1 | (a) мактабгача таълим ва (b) умумий таълим муассасаларида тегишли даражада дарс бериш учун зарур бўлган камида минимал даражада ташкил қилинган ишга киришдан олдинги ёки иш мобайнидаги педагогик ўқув курсларини (масалан, педагогика бўйича ўқувлар) олган ўқитувчиларнинг нисбати. |

## МАКТАБЛАР

| | |
|---|---|
| **Мувофиқ лойиҳалар сони** | 33 |
| **Ажратилган маблағлар** | 247 805 миллион сўм |
| **Янги яратилган қўшимча салоҳият** | 13 957 |
| **Таъмирланган мавжуд салоҳият** | 12 633 |

**8-жадвал: Биринчи ўнликдан ер олган мактаб лойиҳалари доирасида яратилган салоҳият**

| Лойиҳа | Бюджет (миллион сўм) | Янги яратилган салоҳият | Таъмирланган мавжуд салоҳият |
|---|---|---|---|
| Бухоро шаҳридаги 39-сон мактабни реконструкция қилиш шаҳар | 11,572 | 1,310 | - |
| Наманган шаҳридаги Истиқбол аҳоли турар жойида янги мактаб қуриш | 16,205 | 660 | - |
| Хоразм вилояти Урганч туманидаги 47-сон мактабни реконструкция қилиш | 6,279 | 660 | 414 |
| Бухоро вилояти Когон туманидаги 17-сон интернат мактабини реконструкция қилиш | 6,066 | 660 | - |
| Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 3-сон мактабни реконструкция қилиш | 8,966 | 640 | - |
| Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги 4-сон мактабни реконструкция қилиш | 6,282 | 630 | - |
| Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 20-сон мактабни реконструкция қилиш | 6,089 | 630 | 520 |
| Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 38-сон мактабни реконструкция қилиш | 8,642 | 540 | 140 |
| Тошкент шаҳри Яшнабод туманидаги 23-сон мактабни реконструкция қилиш | 6,606 | 540 | - |
| Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги 61-сон мактабни реконструкция қилиш | 6,158 | 540 | - |
| Қолган мактаб лойиҳалари | 164,942 | 7,147 | 11,559 |
| **Жами** | **247,806** | **13,957** | **12,633** |

**12-расм: Ҳудудлар кесимида мактабларни молиялаштиришнинг фоиз кўриниши**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

### Таъсир таҳлили

Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги мақсадларининг қўшимча компоненти 1-11-синфлар (7 ёшдан 18 ёшгача) таълимга инвестиция киритишдир. Маблағлар Халқ таълими вазирлиги кўмагида тақсимланди.

Мамлакатимизда бошланғич ва ўрта таълим муассасалари билан қамраб олиш 100 фоизга яқин[23], эканини инобатга олиб, мавжуд инфратузилмани

[23] ЮНЕСКО. 2022 й. Ўзбекистон | ЮНЕСКО "UIS". [online] Батафсил маълумот учун ушбу ҳаволага ўтинг: <http://uis.unesco.org/en/country/uz> [Accessed 2 July 2022].

такомиллаштиришга эътибор қаратилди. Бу қуйидаги 13-расмда кўрсатилган бўлиб, маблағ ажратилишининг таъсири асосан қишлоқ жойларга қаратилган реконструкция лойиҳалари натижасида бўлган.

Қурилиш лойиҳаларини молиялаштиришга келсак, молиялаштиришнинг асосий қисми Наманган вилоятида тўпланган. Бу болалар боғчалари лойиҳалари учун қурилишни молиялаштириш тақсимоти билан ҳам мувофиқлаштирилган.

**13-расм: Турлари ва ҳудудлари кесимида мактаб лойиҳалари сони**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

**9-жадвал: Мактабларда мавжуд салоҳият ва ишга олинган қўшимча ходимларга бўлган таъсир**

| Ҳудуд | Иш билан таъмин-ланган ўқитувчи сони | % | Иш билан таъминланган ўқитувчи бўлмаган ходимлар | % | Қўшимча салоҳият | % | Реконструкция қилинган мавжуд салоҳият | % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Қишлоқ ҳудудлари | 1,019 | 71% | 205 | 70% | 8,437 | 60% | 10,209 | 81% |
| Шаҳар ҳудудлари | 414 | 29% | 88 | 30% | 5,520 | 40% | 2,424 | 19% |
| **Жами** | **1,433** | **100%** | **293** | **100%** | **13,957** | **100%** | **12,633** | **100%** |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

Реконструкция қилиш ишларига энг кўп маблағ тақсимланган вилоятлар 14-расмда кўрсатилганидек, Тошкент ва Фарғона вилоятлари бўлди.

**14-расм: Мактабларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларининг минтақалар кесимидаги харажатлари**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

**15-расм: Мактабларга ўқишга қабул қилинган ва иш билан таъминланган ходимларнинг минтақалар кесимидаги сони**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

## Амалдаги тажрибани ўрганиш

**1-лойиҳа:** Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 39-сон мактабни реконструкция қилиш

**Ажратилган маблағлар:** 11 572 миллион сўм

**Тавсилоти:** Бухоро минтақаси кўплаб ўзбек тарихий шахслари билан катта аҳамиятга эга. Минтақа маданияти, дини ва савдоси билан машҳур. Буюк ипак йўли бўйидаги муҳим ҳудуд бўлганлиги сабабли маҳаллий аҳоли учун тарихий аҳамиятга эга. Шаҳар мактабини реконструкция қилиш учун унинг салоҳиятини кенгайтириш мақсадида катта миқдорда, 11 572 миллион сўм маблағ ажратилди.

**Таъсири:** Реконструкция қилиш лойиҳаси мактаб салоҳиятини 1310 ўқувчига сезиларли даражада ошириб, маҳаллий аҳоли учун янада кўпроқ таълим олиш имкониятларини яратди. Шунингдек, реконструкция қилиш натижасида 66 нафар ўқитувчи ва 14 нафар педагог бўлмаган ходимлар иш билан таъминланди.

Реконструкция қилишнинг ўзи нафақат ўқув хоналарига эътибор қаратди, балки ёпиқ ва очиқ спорт иншоотлари, ошхона ва қўшимча АКТ инфратузилмасини яратишни ҳам ўз ичига олди.











**10-жадвал: Мактабларга доир амалий тадқиқотларида мақсад қилиб белгиланган БРМ кўрсаткичлари**

| БРМ кўрсаткичлари | Тавсифлар |
|---|---|
| 4.1.1 | (a) 1-4-синфлар ва (b) ўрта мактабнинг 5-9-синфларида (i) ўқиш ва (ii) математика бўйича камида минимал билим даражасига эришган болалар ва ёшларнинг жинси бўйича нисбати |
| 4.3.1 | Ёшлар ва вояга етганларнинг охирги 12 ой давомида расмий ва норасмий таълим ва ўқувда иштирок этиш нисбати, жинси бўйича |
| 4.4.1 | Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) кўникмаларига эга бўлган ёшлар ва вояга етганларнинг малака турлари бўйича нисбати |
| 4.5.1 | Таълим тизимида жинси, қишлоқ/шаҳар ҳудудида жойлашуви ва моддий таъминланганлик нисбати бўйича паритет индекслари |
| 4.5.2 | Ушбу тоифадаги таълим олиши керак бўлган болаларнинг умумий сонидан мактабга қабул қилинган ногирон болалар нисбати |
| 4.7.1 | (i) глобал фуқаролик таълими ва (ii) барқарор ривожланиш учун таълим, шу жумладан гендер тенглиги ва инсон ҳуқуқлари (a) миллий таълим сиёсатида, (b) ўқув дастурларида, (c) ўқитувчиларни тайёрлашда, ва (d) талабаларни баҳолаш каби барча даражаларда ҳисобга олиниш даражаси |
| 4.a.1 | Қуйидагилардан фойдаланиш имконияти мавжуд мактаблар нисбати: (a) электр энергияси; (b) таълим мақсадлари учун Интернет; (c) таълим мақсадлари учун компютерлар; (d) ногирон талабалар учун мослаштирилган инфратузилма ва материаллар; (e) асосий ичимлик суви; (f) ўғил-қизлар учун алоҳида асосий санитария иншоотлари; ва (g) асосий қўл ювиш иншоотлари |
| 4.c.1 | (a) мактабгача таълим ва (b) умумий таълим муассасаларида тегишли даражада дарс бериш учун зарур бўлган камида минимал даражада ташкил қилинган ишга киришдан олдинги ёки иш мобайнидаги педагогик ўқув курсларини (масалан, педагогика бўйича ўқувлар) олган ўқитувчиларнинг нисбати. |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

Ўзбекистонда сўнгги ўн йилликлардаги иқтисодий ўсиш мамлакатнинг 2030 йилга бориб даромад даражаси ўрта давлатга айланишга доир интилишларини рўёбга чиқаришга хизмат қилди. Бироқ, бундай ўсиш билан биргаликда соғлиқни сақлаш самарасидаги тенгсизликнинг кучайиши кузатилди.[24]

Бутун мамлакат аҳолиси БМТ БРМга мувофиқ адолатли ўтиш даврини бошдан кечириши учун Ўзбекистон турли тиббиёт хизматларига инвестиция киритиш зарурлигини белгилаб олди. Ушбу инвестициялар қуйида кўрсатилганидек, турли демографик гуруҳлар, жумладан, таъсирларга тобеълиги юқори бўлган қатламларни ҳам қамраб олган ҳолда амалга оширилмоқда.

[24] Ooman, N., Lule, E., Vazirani, D. and Chhabra, R., 2003. "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат истъемоли ва аҳоли бўйича номутаносибликлар" (Uzbekistan Inequalities in Health, Nutrition and Population).

## Шифохоналар (стационар даволаш тиббиёт муассасалари)

| | |
|---|---|
| **Мувофиқ лойиҳалар сони** | 36 |
| **Ажратилган маблағлар** | 343 892 миллион сўм |
| **Стационар ўринлар** | 3 728 |
| **Амбулатор ўринлар** | 1 150 |

**11-жадвал: Биринчи ўнликдан ер олган шифохоналар бўйича лойиҳаларнинг таъсири**

| Лойиҳа | Ажратиш (миллион сўм) | Қўшимча ўринлар сони | |
|---|---|---|---|
| | | Стационар | Амбулатор |
| Андижон вилоятининг Андижон шаҳрида янги оилавий поликлиника қуриш | 9,393 | - | 350 |
| Андижон вилояти Избоскан туманидаги имконияти чекланган хотин-қизлар учун Чуама "Муруват" уйини реконструкция қилиш | 7,055 | 345 | 0 |
| Наманган вилояти Наманган шаҳридаги болалар шифохонасини реконструкция қилиш | 14,261 | 300 | - |
| Тошкент вилоятидаги Тошкент туман кўп тармоқли шифохонасини реконструкция қилиш | 8,475 | - | 300 |
| Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги имконияти чекланган эркаклар учун "Мурувват" уйини реконструкция қилиш | 6,224 | 300 | - |
| Бухоро вилояти Бухоро шаҳри 7-чи кичик туманида 250 амбулатор ўринли оилавий поликлиниканинг янги биносини қуриш | 5,359 | - | 250 |
| Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 2-сонли туғруқ мажмуасини реконструкция қилиш | 12,214 | 230 | - |
| Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё вилояти Карши шаҳридаги Қашқадарё филиалини реконструкция қилиш | 6,932 | 220 | - |
| Тошкент вилояти сил касалликлари диспансерини реконструкция қилиш | 7,843 | 220 | - |
| Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги вилоят болалар сил касаллиги санаторийсини реконструкция қилиш | 8,349 | 200 | - |
| Қолган лойиҳалар | 257,787 | 1,913 | 250 |
| **Жами** | **343,892** | **3,728** | **1,150** |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

## Таъсир таҳлили

Бюджет маблағларининг ажратилиши бўйича биринчи ўнликдан ўрин олган 10 лойиҳадан 9 таси шифохона ва тиббиёт марказларини реконструкция қилиш лойиҳалари доирасида стационар ўринлар сонини кўпайтиришга қаратилган. Шифохоналарни қуриш ва реконструкция қилиш доирасида молиялаштиришнинг тўртдан уч қисми беморлар учун стационар ўринлар фондини кўпайтиришга, тўртдан бир қисми эса амбулатория фондини кўпайтиришга йўналтирилди. 12-жадвалда кўрсатилганидек, мавжуд инфратузилмани реконструкция қилиш ва таъмирлаш миллий соғлиқни сақлаш тизимини янада самарали ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қаторига қўшилди.

**12-жадвал: Шифохона лойиҳалари ва қўшимча ўринлар тури**

| Ишлар тури | Миқдор (миллион сўм) | Фоиз улуши |
|---|---|---|
| Реконструкция қилиш | 278 592 | 81% |
| Қуриш | 65 300 | 19% |
| **Жами** | **353 892** | **100 %** |

| Ўрин тури | Ўринлар сони | Фоиз улуши |
|---|---|---|
| Стационар ўринлар | 3 728 | 76% |
| Амбулатор ўринлар | 1 150 | 24% |
| **Жами** | **4 878** | **100 %** |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

**13-расм: Шифохоналар қуриш ва реконструкция қилишга маблағ ажратишнинг минтақалар кесимидаги нисбати**

| Минтақа | Фоиз улуши |
|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 4% |
| Андижон | 14 % |
| Бухоро | 2 % |
| Жиззах | 1% |
| Қашқадарё | 5 % |
| Наманган | 9% |
| Самарқанд | 4% |
| Сурхандарё | 11% |
| Сирдарё | 3% |
| Тошкент вилояти | 31% |
| Фарғона | 12% |
| Хоразм | 4% |
| **Жами** | **100 %** |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

Шифохоналар қуриш бўйича лойиҳалар доирасида амбулатор даволаш салоҳиятини кенгайтириш асосан учта вилоятда, хусусан, Андижон, Бухоро ва Тошкент вилоятларида амалга оширилди, қолган маблағлар бутун Ўзбекистон бўйлаб стационар шифохона қурилиши лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

**14-жадвал: Минтақалар кесимида қўшимча ўринлар салоҳияти**

| Минтақа | Яратилган ўринлар сони | |
|---|---|---|
| | Амбулатор | Стационар |
| Андижон | 350 | 655 |
| Бухоро | 250 | - |
| Фарғона | - | 730 |
| Жиззах | 150 | 50 |
| Қашқадарё | - | 310 |
| Хоразм | - | 45 |
| Наманган | - | 685 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 100 | 165 |
| Самарқанд | - | 280 |
| Сурхандарё | - | 240 |
| Сирдарё | - | 63 |
| Тошкент вилояти | 300 | 505 |
| **Жами** | **1 150** | **3 728** |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

15-жадвалда кўрсатилганидек, облигациялар эмиссиясидан келиб тушган маблағлар турли соғлиқни сақлаш соҳаларига бўлган таъсирни ҳосил қилди. Маблағларнинг катта қисми кўп тармоқли шифохоналарга (62 фоиз) йўналтирилган бўлса-да, маблағлар тиббиёт хизматларининг кенг доирасига, жумладан юқумли касалликларни даволаш (7 фоиз), ногиронларга хизмат кўрсатиш (6 фоиз), тез тиббий ёрдам хизматларини кўрсатиш (5 фоиз) ҳамда она ва бола саломатлигини таъминлаш (8 фоиз) кабиларга ҳам йўналитирилди.

**15-жадвал: Шифохоналарнинг турлари кесимидаги сони**

| Шифохона тури | Сони | Маблағлар миқдори (миллион сўмда) | Молиялаштиришнинг фоиз даражаси |
|---|---|---|---|
| Болалар учун юқумли касалликларни даволаш шифохонаси | 1 | 6 401 | 2 % |

| Шифохона тури | Сони | Маблағлар миқдори (миллион сўмда) | Молиялаштиришнинг фоиз даражаси |
|---|---|---|---|
| Кўп тармоқли шифохоналар | 24 | 213 926 | 62% |
| Ногирон шахслар учун шифохоналар | 3 | 21 721 | 7 % |
| Тез тиббий ёрдам кўрсатиш марказлари | 2 | 18 254 | 5 % |
| Кўп тармоқли болалар шифохонаси | 1 | 14 261 | 4% |
| Туғруқхона ва перинатал шифохоналар | 2 | 28 137 | 8 % |
| Юқумли касалликлар шифохонаси | 1 | 25 000 | 7 % |
| Сил касаллиги диспансери | 1 | 7 843 | 2 % |
| Болалар суяк туберкулёзи санаторияси | 1 | 8 349 | 3% |
| **Жами** | **36** | **343 893** | **100 %** |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

Адолатли ўтишнинг муҳим таркибий қисми кенг кўламли ташаббуслар орқали турли хил соғлиқни сақлаш тизимининг турли соҳаларига инвестиция киритишдир. Ушбу инвестицияларнинг мақсади мамлакат ҳудудларида аҳолининг турли гуруҳлари дуч келадиган соғлиқни сақлаш соҳасидаги номутаносибликни қисқартириш ва барча учун соғлиқни сақлаш чораларининг самарасини яхшилашдан иборат.

**16-расм: Стационар ва амбулатор ўринларнинг минтақалар кесимидаги сони**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

## Амалдаги тажрибани ўрганиш

**1-лойиҳа:** Тошкент вилояти Охангарон туман кўп тармоқли шифохонасини реконструкция қилиш

**Ажратилган маблағлар:** 30 064 миллион сўм

**Тавсилоти:** Тошкент вилояти Оҳангарон туманининг қишлоқ ҳудудида облигация маблағлари ҳисобидан шифохона реконструкция қилинди. Реконструкция ишлари собиқ реабилитация шифохонасининг 140 ўринли кўп тармоқли муассасага айлантирилишини ўз ичига олди.

**Таъсири:** Туманнинг Нуробод қўрғонида жойлашган Охангарон тумани тиббиёт муассасаси қуйидагиларни ўз ичига олган ҳолда реконструкция қилинди:

- 20 ўринли тез ёрдам бўлими
- 20 ўринли жарроҳлик бўлими
- 20 ўринли болалар бўлими
- 55 ўринли туғруқ бўлими
- 25 ўринли терапия бўлим
- Туман санитария-епидемиология хизмати биноси









**16-жадвал: Соғлиқни сақлаш соҳасидаги амалий тадқиқотларда мақсад қилиб белгиланган БРМ кўрсаткичлари**

| БРМ кўрсаткичлари | Тавсифлар |
|---|---|
| 3.4.1 | 30-69 ёшдаги аҳоли ўртасида ёшга қараб ўлим ҳолатларини қайд қилиш стандартларига кўра улар юрак-қон томир касалликлари, саратон, диабет турлари ёки сурункали нафас олиш йўллари касалликлари билан боғлиқ |
| 3.8.1.1 | Муҳим тиббий хизматларни қамраб олиш (назорат қилинадиган тадбирларга асосланган муҳим хизматларнинг ўртача қамрови, жумладан репродуктив, оналар, янги туғилган чақалоқлар ва болалар саломатлиги, юқумли касалликлар, юқумли бўлмаган касалликлар, хизмат кўрсатиш салоҳияти, ҳамда кенг аҳоли ва аҳолининг энг кам таъминланган қатламлари ўртасида хизматлардан фойдаланиш имконияти сифатида белгиланади). |
| 3.b.1 | Миллий эмлаш тақвимига киритилиш орқали қамраб олинган болалар нисбати (дифтерия, кўк йўтал, қоқшол, қизамиқ, қизилча, паротит, менингококк инфекцияси, сил, ротавирус инфекцияси, В гепатити, полиомиелит, пневмококк инфекцияси касаллиги ва папилломавирус) |
| 3.c.1 | Тиббиёт ходимларининг зичлиги ва ҳудудлар бўйича тақсимоти: (a) ҳар 10 000 кишига тўғри келадиган барча ихтисосликдаги шифокорлар сони; (b) ҳар 10 000 кишига тўғри келадиган ҳамширалар сони |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

## Болаларни эмлаш

Ўзбекистонда болалар ўлими аср бошидан буён мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти билан ҳамоҳанг тарзда[25] йилдан-йилга изчил қисқариб келмоқда.[26] Шунга қарамай, аҳоли ёш табақаларининг ҳали ҳам юқумли касалликларга мойиллиги сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистондаги соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари, масалан, чақалоқлар ўлими кўрсаткичлари бўйича ҳудудлар ўртасида ҳамон сезиларли фарқлар мавжудлиги бунинг далилидир. Республиканинг шаҳар жойларида ўлим даражаси қишлоқ жойларига қараганда пастроқдир.[27]

Болаларни эмлаш бўйича кенг қамровли дастур давлат томонидан барча учун болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган саъи-ҳаракатларининг муҳим ажралмас қисмини ташкил қилади.

[25] Назаровна Т.З., Аъзамқулович Д.Ф., Жураевна М.Н. ва Абдусаломовна Ҳ.С., 2016 й. "Мустақилликдан кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўртасида ўлим ҳолатлари ва ўртача умр кўриш давомийлиги" (Mortality and life expectancy rates of population of the Republic of Uzbekistan in the years after independence). "European science review", (3-4).

[26] ЮНИСЕФ. 2022 й. "Ўзбекистон (УЗБ) - Демография, саломатлик ва чақалоқлар ўлими - ЮНИСЕФ МАЪЛУМОТЛАРИ" (Uzbekistan (UZB) - Demographics, Health & Infant Mortality - UNICEF DATA). [online] Батафсил маълумот учун ушбу ҳаволага ўтинг: <https://data.unicef.org/country/uzb/> [Accessed 8 July 2022].

[27] Комилова Н., Мухаммедова Н., Тожиева З., Назаров М. ва Эгамбердиева У., 2019 й. "Ўзбекистонда ўлим ҳолатларининг ҳудудий таърифлари" (Territorial definitions of population mortality in Uzbekistan). "Astra Salvensis", 1.

| | |
|---|---|
| **Мувофиқ вакциналар сони** | 10 |
| **Ажратилган маблағлар** | 197 481 миллион сўм |
| **Харид қилинган вакцина дозалари** | 19 770 423 |
| **Харид қилинган асбоб-ускуналар** | 15 639 704 дона шприц ва 173 600 дона хавфсиз контейнер |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

## Таъсир таҳлили

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология хизмати облигациялар эмиссиясидан тушган маблағнинг 8 фоизини болаларни профилактик эмлашга йўналтирди. Сотиб олинган вакциналар қатор юқумли касалликларни, шу жумладан қуйидаги 17-жадвалда келтирилганларни қамраб олди.

**17-жадвал: Вакцина ва асбоб-ускуналар турлари кесимидаги миқдори ва харажатлар**

| Харид тури | Вакцина номи | Харид қилинган дозалар | 1 дозанинг нархи (АҚШ доллари) | Ажратиш (миллион сўм) |
|---|---|---|---|---|
| Вакцина | ОПВ (полиомиелитга қарши вакцина) | 5,379,093 | 0.16 | 8,779 |
| | Пентавалент (дифтерия-кўкйўтал-қоқшол-гепатит В-хиб инфекциясига қарши вакцина) | 2,905,171 | 0.80 | 23,706 |
| | ПНЕВМО (пневмококк инфекцияларига қарши вакцина) | 2,612,413 | 2.95 | 78,608 |
| | РОТА (ротавирусга қарши вакцина) | 2,298,291 | 1.20 | 28,131 |
| | КПК (қизамиқ, паротит ва қизилчага қарши вакцина) | 1,871,651 | 1.53 | 29,209 |
| | АДС-М (дифтерия ва қоқшолга қарши вакцина) | 1,666,371 | 0.18 | 3,059 |
| | БЦЖ (туберкулёзга қарши вакцина) | 1,093,678 | 0.13 | 1,450 |
| | АКДС (дифтерия-қоқшол-кўк йўталга қарши вакцина) | 875,660 | 0.25 | 2,233 |
| | ВГВ (гепатит В га қарши вакцина) | 853,795 | 0.25 | 2,177 |
| | ВПЧ (бачадон бўйни саратонига қарши вакцина) | 214,300 | 4.60 | 10,051 |
| **Жами вакцина** | | **19,770,423** | | **187,403** |
| Жиҳозлар | СР шприц 0,5 мл | 13,524,729 | 0.06 | 8,277 |
| | БЦЖ шприци 0,05 мл | 1,811,385 | 0.04 | 739 |
| | Бир марталик шприц ва игна, 5 мл | 213,020 | 0.04 | 87 |
| | Хавфсизлик контейнерлари | 173,600 | 0.53 | 938 |
| | Бир марталик шприц ва игна, 2 мл | 90,570 | 0.04 | 37 |
| **Жами асбоб-ускуналар** | | **15,813,304** | | **10,078** |
| **ЖАМИ** | | **35,583,727** | | **197,481** |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

Ажратилган 197 481 миллион сўм болаларни туғилганидан бошлаб (масалан, гепатит В га қарши) ва 16 ёшгача (масалан, дифтерия ва қоқшолгага қарши) бўлган даврда эмлаш учун 19 770 423 доза вакцина харид қилиш имконини берди.

**18-жадвал: Болаларни эмлаш ишларининг минтақалар кесимидаги қамрови**

| Минтақа | Вакциналар билан таъминланганлик |
|---|---|
| Тошкент шаҳри | 932 531 |
| Андижон | 1 380 534 |
| Бухоро | 721 233 |
| Жиззах | 659 245 |
| Қашқадарё | 1 464 725 |
| Навоий | 427 000 |
| Наманган | 1 218 919 |
| Самарқанд | 1 805 172 |
| Сурхандарё | 1 290 814 |
| Сирдарё | 346 651 |
| Тошкент вилояти | 1 212 850 |
| Фарғона | 1 582 794 |
| Хоразм | 757 772 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 725 250 |
| **Жами** | **14 525 490** |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

Эмлаш қамровининг минтақалар кесимидаги тақсимоти шуни кўрсатадики, мутлақ рақамларда энг юқори қамров даражаси Самарқанд (1 805 172) ва Фарғона (1 582 794) вилоятларида кузатилган. Сезиларли даражада қамраб олинган минтақалардан яна бири Тошкент бўлиб, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жами 2 145 381 доза вакцина қўлланилган.

Бироқ, дастурда 18-жадвалда кўрсатилганидек, маҳаллий аҳоли сонини акс эттирувчи миллий миқёсдаги қамров устувор қилиб белгиланган.

19-жадвалда минтақалар кесимида ҳар бир вакцина учун қамров тафсилотлари келтирилган.

**19-жадвал: Ўзбекистон Республикасида 2021 йил учун профилактик эмлаш ишларининг қамрови**

| Минтақа | ВГВ-1 (В гепатити) | | | БЦЖ-1 | | | АКДС | | | Умумий қамров |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 кунлик | | | 2-5 кунлик | | | 16 ойлик | | | |
| | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | |
| Тошкент шаҳри | 72 732 | 72 378 | 99,5 | 72 729 | 71 538 | 98,4 | 45 592 | 43 227 | 94,8 | 187 143 |
| Андижон | 83 608 | 83 344 | 99,7 | 83 608 | 83 482 | 99,8 | 80 244 | 76 745 | 95,6 | 243 571 |
| Бухоро | 41 885 | 41 846 | 99,9 | 41 885 | 41 846 | 99,9 | 38 111 | 38 000 | 99,7 | 121 692 |
| Жиззах | 38 305 | 38 258 | 99,9 | 38 305 | 38 231 | 99,8 | 33 644 | 33 396 | 99,3 | 109 885 |
| Қашқадарё | 91 135 | 85 609 | 93,9 | 91 135 | 85 609 | 93,9 | 79 195 | 79 186 | 100,0 | 250 404 |
| Навоий | 25 780 | 25 593 | 99,3 | 25 778 | 25 483 | 98,9 | 20 074 | 20 051 | 99,9 | 71 127 |
| Наманган | 77 178 | 77 151 | 100,0 | 77 178 | 77 138 | 99,9 | 68 530 | 68 387 | 99,8 | 222 676 |
| Самарқанд | 106 475 | 106 328 | 99,9 | 106 475 | 106 165 | 99,7 | 95 113 | 94 684 | 99,5 | 307 177 |
| Сурхандарё | 76 835 | 76 672 | 99,8 | 76 835 | 76 668 | 99,8 | 66 418 | 66 418 | 100,0 | 219 758 |
| Сирдарё | 20 011 | 20 005 | 100,0 | 20 011 | 20 006 | 100,0 | 18 574 | 18 533 | 99,8 | 58 544 |
| Тошкент вилояти | 73 906 | 73 843 | 99,9 | 73 906 | 73 834 | 99,9 | 65 786 | 64 360 | 97,8 | 212 037 |
| Фарғона | 99 325 | 99 297 | 100,0 | 99 325 | 99 294 | 100,0 | 83 141 | 83 078 | 99,9 | 281 669 |
| Хоразм | 42 383 | 42 364 | 100,0 | 42 383 | 42 364 | 100,0 | 41 258 | 41 241 | 100,0 | 125 969 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 40 011 | 39 808 | 99,5 | 40 011 | 39 427 | 98,5 | 38 309 | 38 060 | 99,4 | 117 295 |
| **Жами** | **889 569** | **882 496** | **99,2** | **889 564** | **881 085** | **99,0** | **773 989** | **765 366** | **98,9** | **2 528 947** |

| Минтақа | Пентавалент-1 | | | Пентавалент-2 | | | Пентавалент-3 | | | Умумий қамров |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2 ойлик | | | 3 ойлик | | | 4 ойлик | | | |
| | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | |
| Тошкент шаҳри | 43 034 | 41 861 | 97,3 | 41 650 | 40 602 | 97,5 | 48 316 | 44 679 | 92,5 | 127 142 |
| Андижон | 82 676 | 76 485 | 92,5 | 82 676 | 76 009 | 91,9 | 82 676 | 77 475 | 93,7 | 229 969 |
| Бухоро | 40 915 | 38 904 | 95,1 | 38 991 | 37 637 | 96,5 | 38 524 | 37 344 | 96,9 | 113 885 |
| Жиззах | 36 527 | 35 111 | 96,1 | 36 226 | 34 548 | 95,4 | 36 411 | 31 946 | 87,7 | 101 605 |
| Қашқадарё | 79 721 | 79 686 | 100,0 | 78 275 | 78 252 | 100,0 | 78 538 | 78 519 | 100,0 | 236 457 |
| Навоий | 24 525 | 23 790 | 99,8 | 23 469 | 23 133 | 99,8 | 23 235 | 22 994 | 99,8 | 69 917 |
| Наманган | 72 218 | 70 694 | 97,9 | 69 109 | 67 896 | 98,2 | 69 215 | 68 027 | 98,3 | 206 617 |
| Самарқанд | 95 527 | 95 084 | 99,5 | 94 970 | 94 486 | 99,5 | 95 341 | 94 941 | 99,6 | 284 511 |
| Сурхандарё | 67 833 | 67 229 | 99,1 | 65 871 | 65 474 | 99,4 | 66 382 | 66 264 | 99,8 | 198 967 |
| Сирдарё | 19 982 | 19 944 | 99,8 | 19 086 | 19 045 | 99,8 | 18 140 | 18 103 | 99,8 | 57 092 |
| Тошкент вилояти | 60 789 | 58 871 | 96,8 | 61 091 | 59 639 | 97,6 | 69 580 | 67 976 | 97,7 | 186 486 |
| Фарғона | 88 814 | 88 755 | 99,9 | 86 762 | 86 710 | 99,9 | 86 342 | 86 282 | 99,9 | 261 747 |
| Хоразм | 40 663 | 40 574 | 99,8 | 40 093 | 39 989 | 99,7 | 40 425 | 40 374 | 99,9 | 120 937 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 38 513 | 37 642 | 97,7 | 37 426 | 37 014 | 98,9 | 37 573 | 37 029 | 98,6 | 111 685 |
| **Жами** | **791 737** | **774 630** | **97,8** | **775 695** | **760 434** | **98,0** | **790 698** | **771 953** | **97,6** | **2 307 017** |

| Минтақа | ПНЕВМО-1 | | | ПНЕВМО-2 | | | ПНЕВМО-3 | | | Умумий қамров |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2 ойлик | | | 3 ойлик | | | 12 ойлик | | | |
| | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | |
| Тошкент шаҳри | 51 190 | 50 687 | 99,0 | 49 989 | 49 606 | 99,2 | 47 149 | 46 800 | 99,3 | 147 093 |
| Андижон | 82 676 | 72 338 | 87,5 | 82 676 | 67 957 | 82,2 | 69 966 | 71 780 | 102,6 | 212 075 |
| Бухоро | 37 326 | 36 424 | 97,6 | 38 015 | 37 118 | 97,6 | 36 486 | 35 564 | 97,5 | 109 106 |
| Жиззах | 35 527 | 31 946 | 89,9 | 32 226 | 31 964 | 99,2 | 35 163 | 34 398 | 97,8 | 98 308 |
| Қашқадарё | 69 867 | 69 846 | 100,0 | 70 702 | 70 691 | 100,0 | 67 816 | 67 809 | 100,0 | 208 346 |
| Навоий | 22 030 | 21 569 | 99,9 | 23 510 | 23 255 | 99,9 | 20 173 | 19 963 | 99,9 | 64 787 |
| Наманган | 65 270 | 64 206 | 98,4 | 66 418 | 65 560 | 98,7 | 60 905 | 60 150 | 98,8 | 189 916 |
| Самарқанд | 90 019 | 86 200 | 95,8 | 90 942 | 87 729 | 96,5 | 87 593 | 84 841 | 96,9 | 258 770 |
| Сурхандарё | 64 497 | 64 497 | 100,0 | 67 450 | 67 450 | 100,0 | 63 857 | 62 657 | 98,1 | 194 604 |
| Сирдарё | 18 157 | 18 132 | 99,9 | 16 963 | 16 939 | 99,9 | 16 981 | 16 948 | 99,8 | 52 019 |
| Тошкент вилояти | 58 291 | 57 845 | 99,2 | 58 919 | 57 201 | 97,1 | 65 786 | 64 363 | 97,8 | 179 409 |
| Фарғона | 85 946 | 85 901 | 99,9 | 82 191 | 82 140 | 99,9 | 76 990 | 76 947 | 99,9 | 244 988 |
| Хоразм | 38 894 | 38 794 | 99,7 | 37 366 | 37 324 | 99,9 | 38 017 | 37 980 | 99,9 | 114 098 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 38 126 | 37 278 | 97,8 | 42 417 | 41 271 | 97,3 | 36 919 | 36 373 | 98,5 | 114 922 |
| **Жами** | **757 816** | **735 663** | **97,1** | **759 784** | **736 205** | **96,9** | **723 801** | **716 573** | **99,0** | **2 188 441** |

| Минтақа | РОТА-1 | | | РОТА-2 | | | РОТА-3 | | | Умумий қамров |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2 ойлик | | | 3 ойлик | | | 4 ойлик | | | |
| | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | |
| Тошкент шаҳри | 33 762 | 33 528 | 99,3 | 26 129 | 25 507 | 97,6 | 19 997 | 19 997 | 100,0 | 79 032 |
| Андижон | 36 676 | 35 906 | 97,9 | 32 676 | 29 391 | 89,9 | 27 676 | 25 491 | 92,1 | 90 788 |
| Бухоро | 28 811 | 27 884 | 96,8 | 25 187 | 23 759 | 94,3 | 23 080 | 21 774 | 94,3 | 73 417 |
| Жиззах | 28 527 | 26 817 | 94,0 | 26 226 | 24 578 | 93,7 | 26 411 | 23 725 | 89,8 | 75 120 |
| Қашқадарё | 48 257 | 48 257 | 100,0 | 40 455 | 40 455 | 100,0 | 34 627 | 34 625 | 100,0 | 123 337 |
| Навоий | 16 602 | 16 415 | 98,9 | 14 226 | 14 116 | 99,2 | 11 475 | 11 383 | 99,2 | 41 914 |
| Наманган | 41 810 | 41 445 | 99,1 | 23 457 | 23 162 | 98,7 | 23 457 | 23 162 | 98,7 | 87 769 |
| Самарқанд | 69 863 | 66 690 | 95,5 | 67 572 | 63 734 | 94,3 | 59 759 | 58 443 | 97,8 | 188 867 |
| Сурхандарё | 51 655 | 46 810 | 90,6 | 46 846 | 41 872 | 89,4 | 46 460 | 43 391 | 93,4 | 132 073 |
| Сирдарё | 9 497 | 9 472 | 99,7 | 6 531 | 6 517 | 99,8 | 3 857 | 3 839 | 99,5 | 19 828 |
| Тошкент вилояти | 45 027 | 44 184 | 98,1 | 48 239 | 47 341 | 98,1 | 26 213 | 25 935 | 98,9 | 117 460 |
| Фарғона | 50 625 | 50 623 | 100,0 | 36 311 | 36 307 | 100,0 | 24 277 | 24 277 | 100,0 | 111 207 |
| Хоразм | 24 420 | 24 417 | 100,0 | 20 148 | 20 148 | 100,0 | 16 409 | 16 409 | 100,0 | 60 974 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 26 080 | 25 688 | 98,5 | 21 862 | 19 802 | 90,6 | 17 812 | 15 900 | 89,3 | 61 390 |
| **Жами** | **511 612** | **498 136** | **97,4** | **435 865** | **416 689** | **95,6** | **361 510** | **348 351** | **96,4** | **1 263 176** |

| Минтақа | АДС-М-5 | | | АДС-М-6 | | | Умумий қамров |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 7 ёш | | | 16 ёш | | | |
| | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | |
| Тошкент шаҳри | 37 113 | 37 088 | 99,9 | 35 266 | 35 266 | 100,0 | 72 354 |
| Андижон | 59 888 | 59 072 | 98,6 | 48 802 | 47 462 | 97,3 | 106 534 |
| Бухоро | 26 613 | 26 609 | 100,0 | 28 046 | 27 966 | 99,9 | 54 575 |
| Жиззах | 26 991 | 26 967 | 99,9 | 23 122 | 22 958 | 99,3 | 49 925 |
| Қашқадарё | 65 199 | 65 199 | 100,0 | 51 154 | 51 154 | 100,0 | 116 353 |
| Навоий | 17 801 | 17 796 | 100,0 | 14 983 | 14 981 | 100,0 | 32 777 |
| Наманган | 52 163 | 52 161 | 100,0 | 32 419 | 32 417 | 100,0 | 84 578 |
| Самарқанд | 77 888 | 77 727 | 99,8 | 64 352 | 64 167 | 99,7 | 141 894 |
| Сурхандарё | 56 114 | 56 064 | 99,9 | 41 304 | 41 285 | 100,0 | 97 349 |
| Сирдарё | 13 421 | 13 408 | 99,9 | 11 563 | 11 552 | 99,9 | 24 960 |
| Тошкент вилояти | 44 157 | 44 044 | 99,7 | 42 619 | 42 613 | 100,0 | 86 657 |
| Фарғона | 62 275 | 62 275 | 100,0 | 58 058 | 58 058 | 100,0 | 120 333 |
| Хоразм | 34 270 | 34 270 | 100,0 | 29 209 | 29 209 | 100,0 | 63 479 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 35 161 | 35 089 | 99,8 | 27 712 | 27 606 | 99,6 | 62 695 |
| **Жами** | **609 054** | **607 769** | **99,8** | **508 609** | **506 694** | **99,6** | **1 114 463** |

| Минтақа | КПК-1 | | | КПК-2 | | | Умумий қамров |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 12 ойлик | | | 6 ёш | | | |
| | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | |
| Тошкент шаҳри | 47 656 | 47 159 | 99,0 | 41 374 | 41 374 | 100,0 | 88 533 |
| Андижон | 76 781 | 72 540 | 94,5 | 63 371 | 58 269 | 91,9 | 130 809 |
| Бухоро | 38 516 | 38 395 | 99,7 | 28 439 | 28 433 | 100,0 | 66 828 |
| Жиззах | 36 163 | 34 398 | 95,1 | 22 593 | 22 510 | 99,6 | 56 908 |
| Қашқадарё | 79 569 | 79 559 | 100,0 | 59 883 | 59 882 | 100,0 | 139 441 |
| Навоий | 22 335 | 22 322 | 99,9 | 17 529 | 17 524 | 100,0 | 39 846 |
| Наманган | 66 918 | 66 788 | 99,8 | 48 801 | 48 671 | 99,7 | 115 459 |
| Самарқанд | 93 100 | 92 790 | 99,7 | 76 193 | 75 823 | 99,5 | 168 613 |
| Сурхандарё | 65 169 | 65 147 | 100,0 | 52 104 | 52 021 | 99,8 | 117 168 |
| Сирдарё | 17 389 | 17 359 | 99,8 | 13 738 | 13 701 | 99,7 | 31 060 |
| Тошкент вилояти | 65 786 | 64 234 | 97,6 | 59 736 | 58 214 | 97,5 | 122 448 |
| Фарғона | 84 835 | 84 769 | 99,9 | 77 115 | 77 093 | 100,0 | 161 862 |
| Хоразм | 39 972 | 39 958 | 100,0 | 34 814 | 34 808 | 100,0 | 74 766 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 38 108 | 37 834 | 99,3 | 34 997 | 34 585 | 98,8 | 72 419 |
| **Жами** | **772 297** | **763 252** | **98,8** | **630 687** | **622 908** | **98,8** | **1 386 160** |

| Минтақа | ОПВ-1 | | | ОПВ-2 | | | ОПВ-3 | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2 ойлик | | | 3 ойлик | | | 4 ойлик | | |
| | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % |
| Тошкент шаҳри | 51 622 | 51 237 | 99,3 | 48 961 | 48 961 | 100,0 | 50 373 | 49 276 | 97,8 |
| Андижон | 82 676 | 77 367 | 93,6 | 82 676 | 76 835 | 92,9 | 81 682 | 79 869 | 97,8 |
| Бухоро | 41 282 | 40 674 | 98,5 | 40 646 | 39 816 | 98,0 | 39 713 | 39 678 | 99,9 |
| Жиззах | 36 527 | 36 030 | 98,6 | 36 226 | 35 945 | 99,2 | 36 411 | 36 018 | 98,9 |
| Қашқадарё | 83 849 | 83 849 | 100,0 | 83 285 | 83 285 | 100,0 | 83 108 | 83 108 | 100,0 |
| Навоий | 24 517 | 24 204 | 98,7 | 23 273 | 23 081 | 99,2 | 22 653 | 22 632 | 99,9 |
| Наманган | 74 897 | 74 242 | 99,1 | 71 547 | 71 086 | 99,4 | 69 492 | 69 254 | 99,7 |
| Самарқанд | 95 010 | 94 595 | 99,6 | 94 767 | 94 415 | 99,6 | 94 495 | 94 179 | 99,7 |
| Сурхандарё | 71 807 | 71 807 | 100,0 | 70 008 | 70 008 | 100,0 | 66 548 | 66 548 | 100,0 |
| Сирдарё | 22 253 | 22 236 | 99,9 | 20 723 | 20 694 | 99,9 | 19 297 | 19 279 | 99,9 |
| Тошкент вилояти | 65 107 | 64 235 | 98,7 | 65 597 | 65 204 | 99,4 | 69 580 | 69 168 | 99,4 |
| Фарғона | 90 159 | 90 159 | 100,0 | 86 841 | 86 841 | 100,0 | 84 130 | 84 130 | 100,0 |
| Хоразм | 41 269 | 41 189 | 99,8 | 40 678 | 40 634 | 99,9 | 40 259 | 40 215 | 99,9 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 38 555 | 38 155 | 99,0 | 38 204 | 37 921 | 99,3 | 37 960 | 37 526 | 98,9 |
| **Жами** | **819 530** | **809 979** | **98,8** | **803 432** | **794 726** | **98,9** | **795 701** | **790 880** | **99,4** |

| Минтақа | ОПВ-4 | | | ОПВ-5 | | | ОПВ Умумий қамров |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 16 ойлик | | | 7 ёш | | | |
| | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | Мақсад кўрсаткич | Қамров | % | |
| Тошкент шаҳри | 45 337 | 45 290 | 99,9 | 36 528 | 36 470 | 99,8 | 231 234 |
| Андижон | 77 921 | 74 763 | 95,9 | 59 319 | 57 954 | 97,7 | 366 788 |
| Бухоро | 36 544 | 36 540 | 100,0 | 25 026 | 25 022 | 100,0 | 181 730 |
| Жиззах | 33 644 | 33 217 | 98,7 | 26 991 | 26 284 | 97,4 | 167 494 |
| Қашқадарё | 78 785 | 78 785 | 100,0 | 61 360 | 61 360 | 100,0 | 390 387 |
| Навоий | 20 281 | 20 266 | 99,9 | 16 451 | 16 449 | 100,0 | 106 632 |
| Наманган | 67 166 | 67 166 | 100,0 | 30 156 | 30 156 | 100,0 | 311 904 |
| Самарқанд | 95 113 | 94 439 | 99,3 | 77 888 | 77 712 | 99,8 | 455 340 |
| Сурхандарё | 66 418 | 66 418 | 100,0 | 56 114 | 56 114 | 100,0 | 330 895 |
| Сирдарё | 29 615 | 29 586 | 99,9 | 11 360 | 11 353 | 99,9 | 103 148 |
| Тошкент вилояти | 65 786 | 65 662 | 99,8 | 44 157 | 44 084 | 99,8 | 308 353 |
| Фарғона | 77 381 | 77 381 | 100,0 | 62 477 | 62 477 | 100,0 | 400 988 |
| Хоразм | 41 258 | 41 241 | 100,0 | 34 270 | 34 270 | 100,0 | 197 549 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 37 843 | 37 616 | 99,4 | 33 629 | 33 626 | 100,0 | 184 844 |
| **Жами** | **773 092** | **768 370** | **99,4** | **575 726** | **573 331** | **99,6** | **3 737 286** |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

# СУВ

Ўзбекистон сув билан боғлиқ бир қатор жиддий муаммоларга дуч келган давлатдир. Бу муаммолар қишлоқ хўжалигида суғориш амалиёти, шунингдек, тоза ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимлари билан боғлиқ.

Ўзбекистон сув танқислиги бўйича дунёда 25-ўринни эгаллаб турибди[28], айни пайтда аҳоли сонининг ўсиши ва иқтисодий тараққиёт туфайли сувга бўлган талаб ортиб бормоқда.[29] Маҳаллий аҳоли ўртасида тоза ичимлик сувига, шунингдек, гигиена ва санитария учун керак бўлган сувга талаб тобора ортиб бормоқда. Шаҳар аҳолиси ва узоқ ҳудудларда жойлашган қишлоқ аҳолиси учун қийинчиликлар ортиб бормоқда.

Юқорида таъкидланганидек, қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 27 фоизини[30], ташкил этувчи миллий иқтисодиётнинг етакчи сектори бўлибгина қолмай, айни вақтда республика сув ресурсларининг 90 фоизидан фойдаланувчи сектордир. Ҳозирги вақтда сув истеъмолининг учдан бир қисмини ташкил этувчи исрофгарчиликка йўл қўймаслик учун эскирган инфратузилмани янгилаш жуда муҳимдир.[31]

Юқорида айтиб ўтилган барқарор ривожланиш вазифаларини инобатга олган ҳолда, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, "Ўзсувтаъминот" АЖ ва Сув хўжалиги вазирлиги БРМ Облигациялари Тузилмасига мувофиқ келадиган қатор лойиҳаларни таклиф қилди.

Олинган маблағлардан фойдаланишнинг асосий таъсирли самараси сув йўқотилишини камайтириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш мақсадида ирригация инфратузилмасини модернизация қилиш бўлди. Худди шу тариқа, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ортди.

## Ирригация

| | |
|---|---|
| **Мувофиқ лойиҳалар сони** | 14 |
| **Ажратилган маблағлар** | 39 407 миллион сўм |
| **Таъсир остига тушган ер майдони (гектарда)** | 68 880 |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

[28] "CABAR". 2020 й. "Ўзбекистон сув хўжалиги сектори: экология ва бошқарув муаммолари" (Uzbekistan's Water Sector: Environmental and Managerial Issues). [online] Батафсил маълумот учун ушбу ҳаволага ўтинг: <https://cabar.asia/en/uzbekistan-s-water-sector-environmental-and-managerial-issues#_ftn1> [Accessed 10 July 2022].

[29] Осиё тараққиёт банки. 2021 й. "Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш" (Managing Water Resources in Uzbekistan). [online] Батафсил маълумот учун ушбу ҳаволага ўтинг: <https://www.adb.org/news/videos/managing-water-resources-uzbekistan> [Accessed 14 July 2022].

[30] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажми. Батафсил маълумот учун ушбу ҳаволага ўтинг: https://stat.uz/images/uploads/reliz2021/yalipi_ichki_en_dekabr_26_01_2022.pdf.

[31] БМТ ЕИК (UNECE). 2020 й. "БМТ ЕИК (UNECE) Ўзбекистонни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш самарадорлигини баҳолаш тавсияларини COVID-19 дан кейин "яшил" тикланиш сиёсатини ишлаб чиқишда қўллашга таклиф қилади" | БМТ ЕИК" (UNECE calls upon Uzbekistan to use the recommendations of its Environmental Performance Review for designing its green recovery policies in the aftermath of COVID-19 | UNECE). [online] Батафсил маълумот учун ушбу ҳаволага ўтинг: <https://unece.org/press/unece-calls-upon-uzbekistan-use-recommendations-its-environmental-performance-review> [Accessed 22 May 2022].

**20-жадвал: Биринчи ўнликдан ер олган ирригацион лойиҳалар таъсири остидаги ер майдонларнинг гектар ҳисобидаги ҳажми**

| Лойиҳа[32] | Бюджет (миллион сўм) | Таъсир остига тушган ер майдонлари (гектарда) |
|---|---|---|
| Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги "Ўнг қирғоқ" каналининг ПК125+00 дан ПК144+00 гача бўлган қисмини реконструкция қилиш | 3,278 | 21,620 |
| Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ ҳамда Ўрта Чирчиқ туманлари ҳудудларидан ўтувчи "РК-5" каналининг ПК0+00 дан ПК80+00 гача бўлган қисмини реконструкция қилиш | 1,993 | 17,148 |
| Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги "М-2" каналини реконструкция қилиш | 2,189 | 7,600 |
| Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги "Оқтепасой" каналининг ПК0+00 дан ПК59+00 гача бўлган қисмини реконструкция қилиш | 10,425 | 6,625 |
| Хоразм вилояти Шовот туманидаги "Удачи-яб" ва "Удачи-1" каналларини реконструкция қилиш | 41,565 | 4,005 |
| Андижон вилояти Андижон туманидаги "Қотортол" канали (ПК76 дан ПК144 гача бўлган қисми) ни реконструкция қилиш | 3,109 | 3,469 |
| Жиззах вилояти Ш.Рашидов туманидаги "Кангли" каналининг ПК16+00 дан ПК29+30 гача бўлган қисмини реконструкция қилиш | 1,596 | 3,000 |
| Навоий вилояти Хатирчи туманидаги "Найман" каналини реконструкция қилиш | 1,504 | 1,309 |
| Бухоро вилояти Бухоро туманидаги "Наврўз", "Жизманди" ва "Каҳрамон" каналларини реконструкция қилиш | 2,280 | 1,045 |
| Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги ПР-4-1-8 ирригация тизими каналини реконструкция қилиш | 2,859 | 845 |
| Бошқа ирригация лойиҳалари | 8,609 | 2,214 |
| **Жами** | **39,407** | **68,880** |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

## Таъсир таҳлили

Сув йўқотилишини ва сувдан самарасиз фойдаланишни бартараф этиш ва туташ ер майдонларининг қишлоқ хўжалиги унумдорлигини ошириш учун мавжуд инфратузилмани реконструкция қилишни талаб қилувчи 14 та муҳим ирригация лойиҳаси белгиланди.

Эришилган таъсир даражасини текшириш учун иккита асосий кўрсаткич белгилаб олинди. Таъсир реконструкция қилинган каналларнинг узунлиги (км ҳисобида), шунингдек, яхшиланган сув таъминотидан фойда кўрган ер майдонларининг гектар сони билан ўлчанади.

Реконструкция қилиш эҳтиёжлари турли даражада бўлган лойиҳалар портфели танланган. Шу муносабат билан лойиҳага киритилган инвестиция ҳажмини солиштирганда, ҳар бир тегишли километр ва гектар ер майдони учун ҳар хил харажатлар ҳисобланган. Лойиҳалар йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида мавжуд сув йўлларини оддий таъмирлашдан тортиб, канал инфратузилмасининг умумий самарадорлиги ва қамровини яхшилаш мақсадида ирригация тизимларини жорий этишгача бўлган миқёсда амалга оширилди.

[32] 1 пикет (ПК) = 100 метр.

Ирригацияга ажратилган маблағлар тақсимоти минтақавий ва маҳаллий миқёсда натижаларга эришишни кўзда тутган ҳолда миллий миқёсда амалга оширилган. Хоразм, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги каналлар мос равишда 16,5 км, 14,7 км ва 16,0 км бўлган энг катта узунликда реконструкция қилинди.

**17-расм: Минтақалар кесимида реконструкция қилинган каналлар узунлиги (км)**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

Республика бўйича кенг ҳудудий тақсимлаган ҳолда 39 407 миллион сўм ажратилди. Фарғона (26 фоиз), Сирдарё (15 фоиз) ва Андижон (14 фоиз) вилоятларига энг кўп маблағ ажратилди.

**21-жадвал: Ирригация соҳасини молиялаштириш ва бунинг таъсирининг минтақалар кесимидаги тақсимоти**

| Минтақа | Молиялаштириш (миллион сўм) | Фоиз улуши | Таъсир остига тушган ер майдони (гектарда) | Фоиз улуши | Реконструкция қилинган канал узунлиги (км) | Percentage |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Андижон | 5 323 | 14 % | 3 969 | 6% | 14,7 | 18% |
| Бухоро | 4 247 | 11% | 1 595 | 2 % | 5,3 | 6% |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 2 189 | 6% | 7 600 | 11% | 16,0 | 19% |
| Жиззах | 1 596 | 4% | 3 000 | 4% | 1,3 | 2% |
| Хоразм | 1 565 | 4% | 4 005 | 6% | 16,5 | 20% |
| Сирдарё | 6 004 | 15% | 1 459 | 2 % | 8,2 | 10% |
| Навоий | 1 504 | 4% | 1 309 | 2 % | 4,3 | 5% |
| Фарғона | 10 425 | 26% | 6 625 | 10 % | 4,1 | 5% |
| Наманган | 1 282 | 3% | 550 | 1% | 2,5 | 3% |
| Тошкент вилояти | 1 993 | 5 % | 17 148 | 25% | 8,0 | 10% |
| Самарқанд | 3 278 | 8 % | 21 620 | 31% | 1,9 | 2% |
| **Жами** | **39 407** | **100 %** | **68 880** | **100 %** | **82,8** | **100%** |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

**18-расм: Минтақалар кесимидаги ирригацияси яхшиланган ер майдонлари (гектарда)**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

## Амалдаги тажрибани ўрганиш

**1-лойиҳа:** Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги "Ўнг қирғоқ" каналининг ПК125+00 дан ПК144+00 гача бўлган қисмини реконструкция қилиш.

**Ажратилган маблағлар:** 3 278 миллион сўм.

**Тафсилоти:** Булунғур туманидаги ушбу ирригация лойиҳасига инвестиция киритишдан мақсад қисқа муддатда атрофдаги ерларнинг унумдорлигини ошириш ва узоқ муддатда теварак-атрофдаги инфратузилманинг барқарорлигини оширишдан иборат бўлди. Инвестиция маҳаллий ҳудудга кейинги йилларда ирригация иншоотида юзага келган муаммоларни бартараф этиш ва Самарқанд вилоятининг ушбу туманларини сув билан узлуксиз таъминлаш имконини бермоқда.

**Таъсири:** Юқорида айтиб ўтилганидек, облигация эмиссиясидан келиб тушадиган маблағлардан фойда кўраётган гектарларнинг деярли учдан бир қисми ушбу лойиҳага тегишли. Ажратилган 3 278 миллион сўм маблағ (ирригация учун ажратилган умумий маблағнинг 8 фоизи) ҳисобидан 21 620 гектар (мавжуд ер майдонларининг 31 фоизи) ирригация инфратузилмаси объектлари билан муваффақиятли жиҳозланди. Ижобий натижага эришилган ер майдонлари ҳисобига ирригация иншоотларидан доимий фойдаланишдан фойда кўрадиган гектарлар киради. Вақти-вақти билан суғориш имкониятига эга бўлган қўшимча ер майдонларини ҳам ҳисобга олган ҳолда қаралганда, инвестициялар йилига 48 166 гектарга ижобий таъсир қилиши мумкин. Фойда кўрадиган ерлар Самарқанд вилояти бўйлаб, жумладан, Махсумов тумани (2 761 га), Жомбой ва Пайариқ туманлари (45 405 га) ҳудудларида жойлашган.

**2-Лойиҳа:** Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги "Оқтепасой" каналини реконструкция қилиш.

**Ажратилган маблағлар:** 10 424 миллион сўм.

**Тафсилоти:** Ирригация мақсадларида маблағларнинг энг катта қисмини олган лойиҳа (10 424 миллион сўм) Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида амалга оширилди. Шаҳар

аҳолиси 260 мингга яқин кишини ташкил этади ва у пойтахт Тошкентдан тахминан 225 км жанубий шарқда жойлашган. Шаҳар кўп ҳажмда сувни талаб қилувчи саноат тармоқлари, жумладан, пахта, тўқимачилик ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш учун минтақавий марказ бўлиб, бу ирригация инфратузилмасига инвестиция киритиш зарурлигини кўрсатади. Олинган маблағлар Оқтепасой каналини реконструкция қилишга йўналтирилди. Ушбу канал 1977 йилда Сўх-Оқтепа ирригация бошқармаси томонидан қурилган бўлиб, умумий узунлиги 30,0 км бўлиб, шундан 6,5 км қисми Қўқон шаҳридан ўтади. Ўтказувчанлиги бир сонияда 10 $м^3$ бўлиб, унинг асосий манбаси Катта Фарғона магистрал каналидир. Бу канал Данғара туманидаги 76 фермер хўжалигининг 5 500 гектар экин майдонларини ва 1 125 гектар томорқа ерлари (19 500 киши) ни сув билан таъминлайди.

Каналнинг Қўқон шаҳридан ўтувчи 6,5 километр қисмининг бетон қопламалари эксплуатация натижасида шикастланган бўлиб, у дастлабки қурилганидан буён реконструкция ишлари амалга оширилмаган. Бу каналнинг ўтказувчанлигини бир сонияда 3,5 $м^3$ гача пасайишига, яъни унинг самарадорлигини 35% гача пасайишига олиб келди. Натижада 255 гектар ер майдонида сув танқислиги юзага келмоқда. Каналнинг Қўқон шаҳри ҳудудидан ўтувчи 5,9 километрлик қисмини реконструкция қилиш лойиҳасида канал тубини тозалаш ва лойдан тозалаш, тупроқлаш ва бетонлаш ишларини олиб бориш кўзда тутилган.

**Таъсири:** Лойиҳани амалга ошириш натижасида:

- Каналнинг самарадорлиги 85 фоизга оширилади ва ҳар йили 9 миллион м3 га яқин сув тежалади.
- Пахта ҳосилдорлиги гектардан 3,0 центнерга ортади
- Ғалла ҳосилдорлиги гектардан 5,0 центнерга ортади
- 255 гектар майдонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдан қўшимча даромад олинади
- Қишлоқ аҳолисининг бандлиги таъминланади, уларнинг турмуш даражаси яхшиланади
- Данғара туманидаги 5,5 минг гектар экин майдонлари, 76 фермер хўжалиги ва 1 125 гектар томорқа ерлари (19,5 минг нафар аҳоли) кафолатланган сув таъминоти билан таъминланади.

**22-жадвал: Ирригация соҳасидаги амалий тадқиқотларда мақсад қилиб белгиланган БРМ кўрсаткичлари**

| БРМ кўрсаткичлари | Тавсифлар |
|---|---|
| 6.1.1 | Хавфсиз бошқарилаётган ичимлик суви хизматларидан фойдаланаётган аҳолининг нисбати |
| 6.3.2 | Атроф-муҳитдаги сув сифати яхши бўлган сув объектларининг нисбати |
| 6.4.1 | Вақт ўтиши билан сувдан фойдаланиш самарадорлигининг ўзгариши |
| 6.4.2 | Сув танқислиги даражаси: мавжуд чучук сув ресурсларига мутаносиб равишда чучук сувдан фойдаланиш |
| 6.5.1 | Сув ресурсларини комплекс бошқариш даражаси |
| 6.6.1 | Вақт ўтиши билан сув билан боғлиқ экотизимлар миқёсидаги ўзгаришлар |
| 6.b.1 | Сув таъминоти ва канализация тизимларини бошқаришда маҳаллий аҳолининг иштирокини таъминлаш бўйича ўрнатилган ва амалий сиёсат ва тартибларга эга бўлган маҳаллий маъмурий бирликларнинг нисбати |

## Тоза ичимлик суви

| | |
|---|---|
| **Мувофиқ лойиҳалар сони** | 24 |
| **Ажратилган маблағлар** | 130 563 миллион сўм |
| **Фойдаланувчилар** | 129 147 |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

**23-жадвал: Биринчи ўнликдан ер олган тоза сув бўйича лойиҳаларнинг таъсири**

| Лойиҳа | Бюджет (миллион сўм) | Қувурли сув ва асосий оқава тизимидан фойдаланиш имкониятини қўлган киритган фуқаролар сони |
|---|---|---|
| Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туман марказида ичимлик суви таъминоти тизимларини қуриш | 5 240 | 14 155 |
| Андижон вилояти Иттифоқ ва Хўжаобод туманларидаги кўп қаватли уйлар учун сув таъминоти ва канализация тармоқларини қуриш | 2 833 | 13 000 |
| Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Шароф Рашидов кўчаси бўйлаб 7,5 км канализация тармоғини қуриш | 17 628 | 10 585 |
| Сурхондарё вилояти Мустақиллик кўчасида 3 км узунликдаги канализация тармоғи ва 500 м3 ҳажмли насос станциясини қуриш | 8 908 | 10 585 |
| Жизах вилояти Янгиобод туманидаги Совот аҳоли турар жойида яшовчи 10 мингдан ортиқ аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш | 2 164 | 10 531 |
| Фарғона вилояти Бувайда туманидаги Ингирчоқ ва Хонобод аҳоли турар жойларида ичимлик суви тиизимини қуриш | 1 398 | 7 455 |
| Андижон вилояти Андижон туманидаги канализация насос станцияси ва коллекторини реконструкция қилиш | 3 025 | 6 700 |
| Хоразм вилояти Тупроққала туманидаги Шарлаук аҳоли турар жойида ичимлик суви тизимларини қуриш | 2 826 | 5 913 |
| Навоий вилояти, Зарафшон шаҳрида Янги Зарафшон аҳоли турар жойида ва 19 та кичик биноларда ичимлик суви тармоқларини қуриш | 5 201 | 5 789 |
| Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги Комилон аҳоли турар жойида ичимлик суви қувурларини алмаштириш | 7 178 | 5 312 |
| Қолган тоза ичимлик суви лойиҳалари | 74 162 | 39 122 |
| **Жами** | **130 563** | **129 147** |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

## Таъсир таҳлили

2017 йилда аҳолининг 60 фоиздан камроғи тоза ичимлик суви хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.[33] Аҳолининг катта озчилиги учун фойдаланиш имкониятларини таъминлаш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш учун янги инфратузилма қуриш вазифаси устувор қилиб белгиланди. Хусусан, энг катта узунликдаги (65 км) қувур айнан Хоразмнинг (Туркманистон билан чегарадош бўлган) шимолий-ғарбий минтақасида қурилган.

[33] Осиё тараққиёт банки. 2021 й. "Иқтисодий ночорлик: Ўзбекистон" (Poverty: Uzbekistan). [online] Батафсил маълумот учун ушбу ҳаволага ўтинг: <https://www.adb.org/countries/uzbekistan/poverty> [Accessed 2 December 2021].

**19-расм: Ичимлик суви ва канализация тизимларининг узунлиги, минтақалар кесимида, км**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

**20-расм: Турлари кесимида тоза сувни молиялаштиришнинг фоиз кўриниши**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

Республиканинг тоза сув таъминоти ва канализация тизимларига йўналтирилган инвестицияларнинг асосий қисмини ташкил қилувчи 51 913 миллион сўм миқдоридаги маблағлар Қашқадарё вилоятига ажратилган бўлиб, 24 та лойиҳадан 7 таси вилоят ҳудудида жойлашган. Қашқадарё вилояти республиканинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, унинг ҳудудида 3,1 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.[34] Вилоятда аҳоли зич жойлашган бўлиб, қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурсларни қазиб олиш каби миллий иқтисодиётнинг муҳим секторларида ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Бу борада канализация инфратузилмасини модернизация қилиш устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Қурилган ва реконструкция қилинган инфратузилманинг узунлиги билан бир қаторда, энг муҳим кўрсаткич бўлган инвестициядан ижобий таъсир кўрган аҳоли сони ҳам таҳлил қилинди. Бошқа устувор ҳудудлар сифатида Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари белгиланиб, ушбу вилоятларга облигациялардан келиб тушган маблағлар ҳисобидан 6 та лойиҳа бўйича 27 802 миллион сўм, 2 та лойиҳа бўйича 26 536 миллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. Юқоридаги учта вилоятда жами 106 251 миллион сўмлик (жами ажратилган маблағнинг 81 фоизи) лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 74 450 нафар аҳолининг сув таъминоти ва канализация тизими яхшиланди.

Шу билан бир қаторда, Андижон вилоятига сув таъминоти ва канализация тизимига инвестициялар учун ажратилган облигациялардан келиб тушган маблағларнинг 4 фоизи (18 858 миллион сўм) ажратилди. Шу тариқа, вилоятда амалга оширилган иккита лойиҳа 19 700 нафар аҳолининг турмуш шароити яхшиланишига ҳисса қўшди.

[34] Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги. с.й. Қашқадарё вилояти. [online] Батафсил маълумот учун ушбу ҳаволага ўтинг: <https://invest.gov.uz/regional-map/kashkadarinskaya-oblast/> [Accessed 3 July 2022].

21-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, аҳоли турмушига кўрсатилган ижобий таъсирнинг аксарият ҳажми харажатлари даражаси юқорироқ бўлган қурилиш лойиҳаларидан келиб чиққан. Гарчи киши бошига кўрастилган ижобий таъсир лойиҳадан лойиҳага фарқ қилиши мумкин бўлса-да, қурилиш ва реконструкция лойиҳаларининг комбинацияси мамлакат миқёсида умумий дастлабки чора нуқтаи назаридан муҳимдир.

**21-расм: Лойиҳа турлари ва минтақалар кесимида қамраб олинган аҳоли сони**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

**22-расм: Минтақалар кесимида тоза сув ва канализация лойиҳаларидан фойдаланаётган аҳоли сони**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

## Амалдаги тажрибани ўрганиш

**1-лойиҳа:** Хоразм вилоятининг Янгиариқ туман марказида ичимлик суви таъминоти тизимларини қуриш.

**Ажратилган маблағлар:** 6 874 миллион сўм.

**Тафсилоти:** Ўзбекистоннинг ғарбий минтақасида, Орол денгизининг жанубида жойлашган Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманига янги тоза ичимлик суви инфратузилмасини қуриш учун маблағ ажратилди. Олинган маблағлар эвазига вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш яхшиланди.

**Таъсири:** 6 874 миллион сўм ажратилиши натижасида 25,1 километр янги ичимлик суви қувурлари ўрнатилди. 2 650 нафар аҳоли қувур суви ва асосий канализация билан таъминланди.







*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

**24-жадвал: Тоза сув бўйича амалий тадқиқотларда мақсад қилиб белгиланган БРМ кўрсаткичлари**

| БРМ кўрсаткичлари | Тавсифлар |
|---|---|
| 6.1.1 | Хавфсиз бошқарилаётган ичимлик суви хизматларидан фойдаланаётган аҳолининг нисбати |
| 6.2.1.1 | Хавфсиз санитария хизматлари ва қўл ювиш объектларини совун ва сувдан фойдаланиб ишлатадиган аҳоли нисбати |
| 6.2.1.2 | Марказлаштирилган канализация тизими билан қамраб олинган аҳоли нисбати |
| 6.3.1 | Хавфсиз тозаланган оқава сувларнинг нисбати |
| 6.5.1 | Сув ресурсларини комплекс бошқариш даражаси |
| 6.6.1 | Вақт ўтиши билан сув билан боғлиқ экотизимлар миқёсидаги ўзгаришлар |
| 6.b.1 | Сув таъминоти ва канализация тизимларини бошқаришда маҳаллий аҳолининг иштирокини таъминлаш бўйича ўрнатилган ва амалий сиёсат ва тартибларга эга бўлган маҳаллий маъмурий бирликларнинг нисбати |

# ТРАНСПОРТ

Ўзбекистоннинг жойлашуви туфайли, республика Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотиқнинг муҳим алоқа бўғини вазифасини бажаради. Мустақиллик йилларида улкан инвестициялар киритилган ҳаво транспорти бундан мустасно, аҳолининг асосий қисми автомобил транспортидан фойдаланади.

Бироқ сўнгги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлиги статистикасининг қониқарли даражада эмаслиги[35] ва қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтиш истаги туфайли аҳоли фойдаланиши мумкин бўлган транспорт турларини диверсификация қилишга инвестициялар киритилди. Хусусан, янги турдаги экологик тоза, умумий фойдаланишдаги электр метро линиялари қурилмоқда.

Ушбу лойиҳалар учун маблағ ажратилиши мазкур метро линияларини қуришни шериклик асосида молиялаштириш имконини берди ва шу орқали бу ишларни якунига етказиш жадаллаштирилди.

Ўзбекистон каби тез суръатларда урбанизациялашаётган мамлакат учун ўсиб бораётган шаҳар марказларида талабни қондириш учун жамоат транспорти инфратузилмасига эҳтиёж ортиб бормоқда. Аҳолининг кўпроқ қисми иш излаб шаҳарларга кўчиб ўтмоқда. Ушбу масалани ҳал қилиш учун мазкур мавзу доирасида бу облигация эмиссиясидан тушган маблағлар фақат мамлакатимиз пойтахти – Тошкент шаҳрига йўналтирилди.

Олинган маблағлар шаҳар ер ости ва ер усти жамоат транспорти инфратузилмасини кенгайтиришга сарфланди. Шу тариқа, метрополитен тошкентликларга экологик тоза транспорт туридан фойдаланишда қўшимча имконият яратиб, қазиб олинадиган ёқилғида ҳаракатланадиган транспорт, масалан, автомобилларга бўлган эҳтиёжни камайтиради.

Ушбу янги иншоотлар қурилишидан олдин аҳоли уйдан энг яқин метро бекатигача ер усти жамоат транспортида етиб бориши учун ўртача ярим соат вақт керак бўлган. Янги такомиллаштирилган инфратузилмани жорий қилишдан мақсад аҳоли учун ўртача ҳаракатланиш вақтини қисқартиришдир. Куннинг энг тиғиз соатларида метродан фойдаланиш йўловчилар учун ҳаракатланиш вақтини бошқа сиртқи транспорт турларидан фарқли ўлароқ икки баравар қисқартиришнинг ягона йўли ҳисобланади.

## Таъсир таҳлили

| | |
|---|---|
| **Мувофиқ лойиҳалар сони** | 3 |
| **Ажратилган маблағлар** | 1 349 782 миллион сўм |
| **Кундалик фойдаланувчилар** | 213 134 |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

Облигациялар тақсимотининг ярмидан кўпи транспорт мавзуларига ажратилди ва маблағлар пойтахт Тошкентга йўналтирилган учта лойиҳа ўртасида тақсимланди.

[35] БМТ ЕИК (UNECE). 2022 й. "БМТ ЕИК (UNECE) Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича таҳлил қилиш ишига киришди | БМТ ЕИК (UNECE)" (UNECE embarks on Road Safety Performance Review of Uzbekistan | UNECE). [online] Батафсил маълумот учун ушбу ҳаволага ўтинг: <https://unece.org/sustainable-development/news/unece-embarks-road-safety-performance-review-uzbekistan#:~:text=Uzbekistan%20faces%20serious%20challenges%20in,involved%20children%2C%20government%20data%20indicates.> [Accessed 4 July 2022].

**25-жадвал: Транспорт соҳасидаги лойиҳаларнинг таъсири**

| Лойиҳа | Бюджет (миллион сўм) | Тахминий кундалик йўловчи сони | Линия узунлиги (км) | Станциялар сони |
|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳри ер усти ҳалқа метро линиясини қуриш | 922 068 | 160 284 | 24 | 14 |
| Тошкент шаҳри ер ости метро тизимининг Сирғали ер усти қисмини қуриш | 385 272 | 35 000 | 6,2 | 5 |
| Тошкент шаҳри ер ости метро тизимининг Юнусобод линиясида янги станцияларни қуриш | 42 442 | 17 850 | 2,9 | 2 |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

24 километр узунликдаги ер усти темир йўли ва 14 та янги станция қуриш учун ер усти ҳалқа метросининг янги Тошкент линияси учун облигация эмиссиясидан тушган маблағлар ҳисобидан 922 068 миллион сўм ажратилди. Янги ер усти метросини қуриш биринчи навбатда қуйидагиларга имкон берди:

- Тошкент шаҳрининг Яшнобод, Бектемир, Миробод, Сирғали ва Янгиҳаёт туманларини ўзаро боғлаш ва шу орқали мазкур ҳудудлар ўртасида йўловчиларнинг узлуксиз ташишини таъминлаш.
- Автобус йўналишлари ва шу йўналишларда ҳаракатланувчи қатновчи маршрут таксилар қатнови тўхтатилиши/қисқартирилиши ҳисобига мазкур йўналишларда йўл тирбандлигининг камайиши.
- Жамоат транспортининг дизел ёқилғиси, бензин ва газда ишлаши натижасида юзага келадиган зарарли моддаларнинг атмосферага чиқарилиши даражасини пасайтириш.
- Шаҳар йўловчи транспортида йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш.
- Ўзбекистон Республикаси бюджетидан шаҳар автобус паркини янгилаш ва кенгайтириш учун ажратиладиган маблағлар миқдорини қисқартириш.
- Пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари учун йўл вақтини ва транспорт харажатларини қисқартириш.
- Йилига ташилиши мумкин бўлган йўловчиларнинг тахминий максимал сони (салоҳият) 58 503 800 (кунига 160 284) кишига етказилди, шу жумладан:
  - Йилига 26 904 500 (кунига 73 711 нафар) йўловчи Дўстлик – Қўйлиқ йўналишида
  - Йилига 31 599 300 (кунига 86 573 нафар) йўловчи Қўйлиқ – Қипчоқ – Янгиҳаёт йўналишида.

Бундан ташқари, 385 272 миллион сўм миқдорида облигациялардан тушган маблағлар ҳисобидан Тошкент метрополитенининг 6,2 километр узунликдаги янги Сергели ер усти линияси қурилди. Ушбу линияда кунига 35 000 йўловчига хизмат кўрсатадиган 5 та янги станция мавжуд. Шунингдек, Тошкент метрополитенининг мавжуд Юнусобод йўналишида кунига 17 850 нафарга яқин йўловчини ташишга қодир 2 та янги бекат барпо этиш учун яна 42 442 миллион сўм маблағ ажратилди.

Мазкур мавзу доирасида эътибор янги ер усти ва ер ости метро линияларини қуришга қаратилди, бу эса мавжуд ер усти транспорти юкини камайтиради ва қазиб олинадиган ёқилғидан фойдаланмайдиган муқобил усулларни тақдим этади. 25-жадвалда кўрсатилганидек, тақсимланган маблағлар асосан янги ер усти метро ҳалқа линиясини қуришга қаратилган.

**23-расм: Маблағларнинг транспорт лойиҳалари ўртасида фоиз кўринишидаги тақсимланиши**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги*

Жадвалдан кўриниб турганидек, маблағлар тақсимоти асосан шаҳарнинг ер усти тизимини ривожлантиришга йўналтирилган (маблағларнинг 97 фоизи). Инвестициялар лойиҳаларни жадал суръатларда амалга оширишга ёрдам берди.















## Амалдаги тажрибани ўрганиш

**1-лойиҳа:** Тошкент шаҳрида Тошкент метрополитенининг ер усти ҳалқа линиясини қуриш

**Ажратилган маблағлар:** 922 068 миллион сўм

**Тафсилоти:** Ушбу лойиҳанинг мақсади Тошкент шаҳрининг мавжуд транспорт инфратузилмасини ҳар томонлама яхшилаш ва унинг имкониятларини оширишдан иборат.

Ер усти метро линиясини пойтахтнинг асосий кириш йўллари билан боғлаш ва шаҳар йўл инфратузилмаси юкини камайтириш кўзда тутилган. Бунинг атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш каби қўшимча фойдаси мавжуддир.

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад шаҳарнинг мавжуд транспорт инфратузилмасини ҳар томонлама яхшилаш ва йўловчилар учун жаҳон даражасидаги қулайликларни таъминлашдан иборат. 2030 йилга бориб, умуман олганда, лойиҳа жамоат транспортидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш асосида барча учун хавфсиз, арзон, қулай ва экологик барқарор транспорт турларидан фойдаланиш имконини беради. Янги транспорт хизматида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари эҳтиёжларига алоҳида эътибор қаратилади.

Тошкент шаҳрида янги ҳалқа метро линияси қурилишининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш шуни кўрсатдики, мазкур линия ўтган ҳудуд атмосфера ҳавоси, тупроқ ва ер ости сувларининг ифлосланиш даражаси бўйича ўртача ифлосланган зона ҳисобланади. Вақт ўтиши билан метро линиясининг мавудлиги автомобилларга бўлган эҳтиёжни камайтиради ва маҳаллий ҳудудларда ҳаво сифатини яхшилайди.

**Таъсири:** Транспорт мавзуси доирасида маблағ тақсимотида устунлик қилувчи мазкур лойиҳа Тошкент шаҳрида узунлиги 24 км, қиймати 922 068 миллион сўм бўлган ер усти ҳалқа метро линиясини қуришни кўзда тутади. Лойиҳа мавжуд шаҳар транспорт инфратузилмаси ва келажакда самарали шаҳар йўловчи ташиш тизими ўртасидаги жиддий тафовутни бартараф этишга қаратилган. Янгиланган тизим ҳар куни 160 284 йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятини кенгайтирди.

Ижтимоий-иқтисодий жиҳатларга келсак, лойиҳа 28-29 йил ичида ўзини оқлайди. Лойиҳанинг ушбу даврдаги бевосита иқтисодий фойдалари қуйидагилар бўлиши кутилмоқда:

- Лойиҳа доирасида солиқ тўловларидан 15 060 900 АҚШ доллари.
- Автобус ёқилғиси (табиий газ)ни электр (метро) билан алмаштиришдан 72 041 600 АҚШ доллари миқдорида маблағ тежалади.
- Шаҳар автобус паркини янгилаш ва кенгайтириш учун харажатларни тежашдан 334 740 000 АҚШ доллари миқдорида маблағ ҳосил бўлади.

Янги ер усти метро линиясини қуришнинг ижтимоий ва иқтисодий фойдалари ҳам бор. Лойиҳа Тошкент шаҳрида аҳоли бандлигини таъминлаш борасида сезиларли ижобий натижа кўрсатди. Лойиҳанинг ўзини оқлаш даврида ишчиларга тўланадиган умумий иш ҳақи 82 549 200 АҚШ доллари атрофида бўлиши кутилмоқда. Бундан ташқари, янги инфратузилма шаҳар аҳолисининг бир қисми учун маблағлар тежашини таъминлаши кутилмоқда, улар сафарлари давомида транспорт турларини алмаштиришга мажбур бўлмайдилар. Бунинг натижасида тежаладиган маблағ миқдори тахминан 53 416 400 АҚШ доллари эквивалентини ташкил қилади.[36]

[36] Лойиҳа прогнозларига кўра.

**16-жадвал: Транспорт соҳасидаги амалий тадқиқотларда мақсад қилиб белгиланган БРМ кўрсаткичлари**

| БРМ кўрсаткичлари | Тавсифлар |
|---|---|
| 9.1.2 | Транспорт воситалари кесимида йўловчи ва юк ташиш ҳажми |
| 9.4.1 | Қўшилган қиймат учун CO2 эмиссияси |
| 11.2.1 | Жамоат транспортидан қулай фойдаланиш имкониятига эга аҳолининг жинси, ёши ва ногиронлиги бўйича ажратилган нисбати |
| 11.6.2 | Шаҳарлардаги қаттиқ аралашмаларнинг йиллик ўртача даражаси (масалан, 2.5ҚА ва 10ҚА) (аҳоли сони бўйича) |
| 13.2.2 | Йилига жами иссиқхона газлари эмиссияси |

# ҲАВОЛАЛАР

Осиё тараққиёт банки. 2021 й. "Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш" (Managing Water Resources in Uzbekistan). [online] Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://www.adb.org/news/videos/managing-water-resources-uzbekistan>

Осиё тараққиёт банки. 2021 й. "Иқтисодий ночорлик: Ўзбекистон" (Poverty: Uzbekistan). [online] Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://www.adb.org/countries/uzbekistan/poverty>

АЙСАЧЕВ А.А., 2021 йил. "АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИ МИНТАҚАВИЙ ДИНАМИКАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ" (ECONOMIC AND STATISTICAL ANALYSIS OF REGIONAL TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF AGRICULTURE IN THE ANDIJAN REGION). "НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ФАНЛАР" (THEORETICAL & APPLIED SCIENCE) (9)

"CABAR". 2020 й. "Ўзбекистон сув хўжалиги сектори: экология ва бошқарув муаммолари" (Uzbekistan’s Water Sector: Environmental and Managerial Issues). [online] Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://cabar.asia/en/uzbekistan-s-water-sector-environmental-and-managerial-issues#_ftn1>

"CEIC" маълумотлари. 2021 й. "Ўзбекистон аҳолиси: Ҳудудлар кесимида" (Uzbekistan Population: by Region). [online] Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://www.ceicdata.com/en/uzbekistan/population-by-region>

Эшов М., Амиров Л. ва Асқарова М., 2021 й. "Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва унинг аҳамияти" (Development of the agricultural sector and its importance in Uzbekistan). "E3S Web of Conferences" ( 244 Б., 03014 с.). "EDP Sciences".

"Eurasian Research". 2020 й. "Марказий Осиё мамлакатларининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги салоҳияти" (Agricultural Potential of Central Asian Countries). [online] Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://www.eurasian-research.org/publication/agricultural-potential-of-central-asian-countries/>

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати. 2022 й. Мактабларда ўтган даврдаги қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш тўғрисида маълумот. [online] Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://data.egov.uz/uzbKr/data/61152206114fbfdc20c35c64>

2021 й. "Барқарор ривожланишга йўналтирилган облигациялар бўйича қўлланма" (Sustainability Bond Guidelines). [PDF] "ICMA Group". Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://www.icmagroup.org/assets/documents/Sustainable-finance/2021-updates/Sustainability-Bond-Guidelines-June-2021-140621.pdf>

Комилова Н., Мухаммедова Н., Тожиева З., Назаров М. ва Эгамбердиева У., 2019 й. "Ўзбекистонда ўлим ҳолатларининг ҳудудий таърифлари" (Territorial definitions of population mortality in Uzbekistan). "Astra Salvensis", 1.

"Kommunal". 2022 й. "Вазир ўринбосарларининг 2022 йил II чорак якуни бўйича фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари – Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги". [online] Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://kommunal.uz/uz/

views/vazir-orinbosarlarining-2022-yil-ii-chorak-yakuni-boyicha-faoliyati-samaradorligini-hamda-maqsadli-vazifalarga-erishishni-baholashning-asosiy-korsatkichlari>

2021 й. "ФУҚАРОЛАР БЮДЖЕТИ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ: 2021 ЙИЛДАГИ ИЖРОСИ" (БЮДЖЕТ ДЛЯ ГРАЖДАН ГОСУДАРСТВЕННЫЙ БЮДЖЕТ: ИСПОЛНЕНИЕ В 2021 ГОДУ). [PDF] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://admin.openbudget.uz/media/post_attachments/ИБ_2021_ru_6_1.pdf>

ХТВ. 2022 й. MPE.UZ | "Maktabgacha ta'lim vazirligining faoliyatiga doir hisoboti – tizimdagi 2021-yil natijalari, 2022-yilda rejalashtirilgan vazifalar" mavzusidagi matbuot anjumani. [online] Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://mpe.uz/post-detail/posts/releases/1960>

2021 й. Ўзбекистон Республикаси. БРМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ТУЗИЛМАСИ [PDF] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://www.mf.uz/media/file_en/dmo/SDG_Bond_Framework.pdf>

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги. С.й. Сурхандарё вилояти. [online] Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://invest.gov.uz/regional-map/surhandarinskaya-oblast/>

Назаровна Т.З., Аъзамқулович Д.Ф., Жураевна М.Н. ва Абдусаломовна Ҳ.С., 2016 й. "Мустақилликдан кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўртасида ўлим ҳолатлари ва ўртача умр кўриш давомийлиги" (Mortality and life expectancy rates of population of the Republic of Uzbekistan in the years after independence). "European science review", (3-4).

Oomman, N., Lule, E., Vazirani, D. and Chhabra, R., 2003. "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат истъемоли ва аҳоли бўйича номутаносибликлар" (Uzbekistan Inequalities in Health, Nutrition and Population).

"Sustainalytics" компанияси 2021 й. Ўзбекистон Республикаси, БРМ Облигациялари Тузилмаси. Иккинчи томон хулосаси (2021 й). [online] Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://www.sustainalytics.com/corporate-solutions/sustainable-finance-and-lending/published-projects/project/republic-of-uzbekistan/republic-of-uzbekistan-sdg-bond-framework-second-party-opinion-(2021)/republic-of-uzbekistan-sdg-bond-framework-second-party-opinion-(2021)>

2020 й. "БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МИЛЛИЙ МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИХТИЁРИЙ МИЛЛИЙ ТАҲЛИЛИ" (IMPLEMENTATION OF NATIONAL SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS AND VOLUNTARY NATIONAL REVIEW OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN). [PDF] "БМТ Барқарор Ривожланиш" (UN Sustainable Development). Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://sustainabledevelopment.un.org/content/documents/26422VNR_2020_Uzbekistan_Report_English.pdf>

2020 й. "Ўзбекистон барқарор ривожланиш йўлида" (Uzbekistan on the road to sustainable development). [PDF] "БМТ Барқарор Ривожланиш" (UN Sustainable Development). Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://sustainabledevelopment.un.org/content/documents/1034uzbekistan.pdf>

"БМТ Барқарор Ривожланиш" (UN Sustainable Development). 2020 й. "Ўзбекистон: Барқарор ривожланиш учун билим платформаси" (Uzbekistan: Sustainable Development Knowledge Platform). [online] Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://sustainabledevelopment.un.org/memberstates/uzbekistan>

БМТ ЕИК (UNECE). 2020 й. "БМТ ЕИК (UNECE) Ўзбекистонни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш самарадорлигини баҳолаш тавсияларини COVID-19 дан кейин "яшил" тикланиш

сиёсатини ишлаб чиқишда қўллашга таклиф қилади" | БМТ ЕИК" (UNECE calls upon Uzbekistan to use the recommendations of its Environmental Performance Review for designing its green recovery policies in the aftermath of COVID-19 | UNECE). [online] Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://unece.org/press/unece-calls-upon-uzbekistan-use-recommendations-its-environmental-performance-review>

БМТ ЕИК (UNECE). 2022 й. "БМТ ЕИК (UNECE) Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича таҳлил қилиш ишига киришди | БМТ ЕИК (UNECE)" (UNECE embarks on Road Safety Performance Review of Uzbekistan | UNECE). [online] Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://unece.org/sustainable-development/news/unece-embarks-road-safety-performance-review-uzbekistan#:~:text=Uzbekistan%20faces%20serious%20challenges%20in,involved%20children%2C%20government%20data%20indicates.>

ЮНИСЕФ. 2022 й. "Ўзбекистон (УЗБ) - Демография, саломатлик ва чақалоқлар ўлими - ЮНИСЕФ маълумотлари" (Uzbekistan (UZB) - Demographics, Health & Infant Mortality - UNICEF DATA). [online] Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://data.unicef.org/country/uzb/>

2022 й. "Ўзбекистон: Иккинчи тизимли мамлакат диагностикаси" (Uzbekistan: The Second Systematic Country Diagnostic). [PDF] Жаҳон банки. Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://documents1.worldbank.org/curated/en/933471650320792872/pdf/Toward-a-Prosperous-and-Inclusive-Future-The-Second-Systematic-Country-Diagnostic-for-Uzbekistan.pdf>

Uzedu. 2022 й. Статистика. [online] Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://www.uzedu.uz/y3/page/statistics>

Жаҳон банки. 2022 й. "Туғилиш даражаси, дастлабки ҳисоб (1 000 кишига) - Ўзбекистон | Маълумот" (Birth rate, crude (per 1,000 people) - Uzbekistan | Data). [online] Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://data.worldbank.org/indicator/SP.DYN.CBRT.IN?locations=UZ>

Жаҳон банки. 2022 й. Туғилганда ўртача умр кўриш давомийлиги, жами (йиллар) - Ўзбекистон | Маълумот ("Life expectancy at birth, total (years) - Uzbekistan | Data"). [online] Батафсил маълумот учун ҳаволага ўтинг: <https://data.worldbank.org/indicator/SP.DYN.LE00.IN?locations=UZ>